

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Касб таълими «Иқтисодиёт» кафедраси

4-КТМ-10 гуруҳ талабаси

Мансуров Шухрат Ибодуллаевичнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: Мамлакатни модернизациялаш шароитида маҳаллий
бюджетларнинг шакллантириш ва бошқариш масаласи ҳамда
мавзу бўйича мустақил ишни ташкил этиш методикасини
ишлаб чиқиш**

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц..И.Сирожиддинов

Наманган-2014 йил

Мундарижа

Кириш

1-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши хусусиятлари

1.1. Маҳаллий бюджетларнинг мамлакат бюджет тизимидаги ўрни.

1.2. Маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши молиявий манбалари.

1.3. Маҳаллий бюджетлар ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг молиявий асоси сифатида.

2-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларни бошқариш

2.1. Маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг меърий-ҳуқуқий асослари.

2.2. Маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими.

2.3. Маҳаллий бюджетларни бошқаришни такомиллаштириш.

3-боб. Мавзуни ўқитишда мустақил ишни ташкил этиш методикаси

3.1. Мавзуни ўқитиш методикаси.

3.2. Мавзуни ўқитишда талабалар мустақил ишлашлари учун мавзуларни ишлаб чиқиш ва мустақил ишни бажариш тартиби.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллашиб бормоқда. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, бир томондан, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради, бошқа томондан эса қатор ўзига хос ижтимоий муаммоларни ҳал этишни ҳам талаб этади. Маълумки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишида давлат бошқаруви қуйи бўғинларининг роли жиддий равишда юқори эканлиги билан характерланади. Ўзбекистонда олиб борилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади ҳалқимиз учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш, бунга эса замонавий иқтисодиётни барпо этиш орқали эришишдан иборатдир.

Президентимиз И.Каримов 2014 йилнинг 18 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, аввалги йилларда қабул қилинган чоралар дастурларини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, ҳалқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Маърузада 2013 йилда жаҳондаги анча мураккабмолиявий шароитларда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир бор исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, маърузада 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда маҳаллий бюджетлар жуда муҳим рол ўйнашлари лозим. Лекин бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Президент И. А. Каримов: “2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошқоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда”- деб таъкидлаган эди (Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь). Қайд этилган жиҳатлар мавзунинг долзарблигини белгилаб бермоқда.

Мавзунинг ўрганилганлиги. Маҳаллий бюджетларнинг ўрни, тараққиёти, даромад манбалари шаклланиши ва уларни сам арали бошқариш масалалари мамлакатимиздаги қатор олимларнинг асарларида ёритиб келинмоқда. Улар жумласига Қ. Яҳёев, Т. Маликов, О.Олимжонов, О. Жуманов, А.Ваҳобов, Ҳ.Жамолов, А.Юлдашев ва бошқаларни киритиш мумкин. Умуман олганда мазкур масала илмий ва ўқув адабиётларида нисбатан кам ёритилаётганлигини қайд этиш лозим.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади иқтисодийётнинг эркинлаштирилиши шароитларида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбалар ва уларни такомиллаштириш масаларини чуқур ўрганиб чиқишдир. шунга мувофиқ ҳолда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- маҳаллий бюджетларнинг моҳияти, аҳамияти ва зарурлигини асослаб бериш;
- маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг ҳуқуқий-меърий асосларини ёритиб бериш;
- иқтисодийётнинг эркинлаштирилиши шароитларида маҳаллий бюджетларни такомиллаштиришини таҳлил қилиш;
- жаҳон молиявий инқирози шароитларида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини такомиллаштириш йўллари асослаб бериш.

Битирув-малака ишининг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб маҳаллий бюджетларни шаклланиши ҳисобланади.

Битирув-малака ишининг предмети бўлиб Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши механизми ва уни бошқаришдаги молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг назарий ва услубий асослари. Ишда Ўзбекистон Республикаси қонунларидан, Президент фармонларидан, хорижий ва Ўзбекистонлик олимларининг илмий изланишларидан, Молия Вазирлигининг ва статистик материалларидан, оммавий ахборот воситалари маълумотларидан фойдаланилган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда келтирилган хулоса ва таклифларидан маҳаллий бюджетларни такомиллаштиришда, ундан ташқари ўқув жараёнида «Молия», «Давлат бюджети», каби фанларини ўқитишда фойдаланилса бўлади.

Ишнинг тузилиши. Битирув малака иши кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Иш - бетдан иборат ва унда - та жадвал мавжуд.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, назарий ва услубий асослари кўрсатилган.

Ишнинг биринчи бобида мамлакат бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни, иқтисодий аҳамияти ва назарий асослари кўриб чиқилган

Иккинчи бобда мамлакатни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетлар тараққиётининг ҳозирги давр хусусиятлари таҳлил қилинган.

Учинчи бобда мавзунинг ўқитиш методикаси асослаб берилган.

Хулоса қисмида тадқиқот буйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

1-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши хусусиятлари

1.1. Маҳаллий бюджетларнинг мамлакат бюджет тизимидаги ўрни.

Бюджет тизими — бу иқтисодий муносабатларга, давлат тузилишига ва қонун нормаларига асосланган давлат, маъмурий — ҳудудий тузилишларнинг, бюджет муносабатларида мустақил бўлган давлат ташкилотлари ва фондларининг мажмуидир. Бюджет тизими давлат молиявий тизимининг асосий бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидаги бюджетларнинг кўрсаткичлари мамлакат марказлаштирилган молиявий фондидан фойдаланиш ва уни шакллантиришни таҳлил қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансида акс эттириладиган молиявий ресурсларни марказлаштириш даражаси аниқланади. Консолидациялашган бюджет кўрсаткичларисиз молиявий режалаштиришни умумлаштириш мумкин эмас, чунки давлат молиявий балансини ва ҳудудий молиявий балансларнинг кўпгина кўрсаткичлари консолидациялаштирилган бюджетдан олинади.

Бюджет давлат учун зарур бўлган молиявий ресурсларни акс эттириб ва шу билан биргаликда мамлакат солиқ сиёсатини белгилайди. Бюджет маблағлари сарф этишнинг аниқ йўналишларини, миллий даромад ва ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланишини ўзида акс эттиради, бу эса унга иқтисодиётни самарали бошқарувчиси сифатида чиқишга ёрдам беради. Шу билан биргаликда бюджетдан аниқ иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи иқтисодий категория сифатида фойдаланиш мумкин. Бюджетнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлатнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқдир. Давлат бюджетдан нафақат ўз фаолиятининг асосий таъминот манбаси сифатида, балки иқтисодий ва ижтимоий сиёсат қўқизишининг муҳим элементи сифатида фойдаланади. Иқтисодий категория сифатида бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборатдир. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети таркибига унда жойлашган туманлар, шаҳарлар бюджетлари киради. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети - давлат бюджети: Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар, республика туман ва шаҳарлари маҳаллий бюджетлари. Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджет биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Бюджетнинг яхлитлиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган фондини олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор - бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодаланади. Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган, унда қуйи бюджетларнинг бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини - умумреспублика бюджети. Республика бюджети - Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни умумреспублика бюджети орқали тартибга солинади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тқлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг қсиш суръатлари маҳаллий резервларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, умуман Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли, бажаришга имкон яратади. Маҳаллий бюджетлардан уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий таъминотга доир тадбирлар ва ҳоказолар молиялаштирилади.

Бюджет уч таркибий қисмдан харажат, даромад қисмлари ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қондасига кўра тузилган. Бюджетни шакллантириш, аввало, унинг харажат қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар килиши мумкин эмас. Давлат аввало жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг зарур маблағлар ҳажмини белгилаш ва шундан кейингина ўз ққлида бўлган бюджет даромад қисмини тўлдиришнинг ассосий воситаси — солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетлардан иборат (1-чизма).

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг тузилиши



1.2. Маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши молиявий манбалари.

Маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг тизимида асосий уринни эгаллайди. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Маҳаллий бюджет- Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг таркибий қисми сифатида қуйидаги тамойиллар асосида бошқарилади:

- қонунчилик базасини унификациялаш;
- пул тизими қурилиши, бюджетни классификациялаш тизими, бюджетнинг ҳисоб-китоб тизими, бюджет жараенининг бирлиги;
- бюджет қурилишини маъмурий-ҳудудий бўлинишига мослиги;
- давлат бюджетини ташкил қилувчи бюджетларни ўзаро боғлиқлиги;
- давлат даромадлар ва харажатларининг тенглиги (йўл қуйилиши мумкин бўлган бюджет тақчиллигини ҳисобга олган ҳолда)
- давлат даромадлар ва харажатларининг аниқ манбалари ва йўналишларини режалаштириш;
- давлат бюджетининг харажатларини бюджет тизимининг қонунига кўра амалга ошириш;
- капитал ва жорий харажатларни бир-биридан ажратиш;
- бюджетларнинг мустақиллиги;
- тўғрилиги;
- ҳисоботларнинг бюджет ижросининг тўғри бажарилиши устидан назорат.

Бюджет қонунчилиги бюджет тизимининг ҳар қайси бўғини томонидан молиялаштириладиган харажатлар тизимини олдиндан аниқ белгилайди. Республика бюджети ихтиёрида умумдавлат аҳамиятидаги эҳтиёжларни ва у еки бу маҳаллий бюджет имконияти доирасида бўлмаган харажатларни молиялаштириш бириктирилган.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг таркиби сифатида маҳаллий ҳокимият органлари бошқарув воситалари бўлади. Маҳаллий бюджетларни ташкил этиш, уларни бошқариш 1993 йилда

жорий қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида» ги қонунга асосланар эди. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни ҳар қайси даражадаги бюджетларнинг мустақиллигининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Бюджет мустақиллиги тамойили, бу – туманни ваколатли органларининг бюджет жараенини мустақил амалга ошириши, қонуний йўл билан барча даражадаги бюджетларга даромадларни бириктириш, ваколатли органлар томонидан маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқлари тушунилади.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳукуматни ижтимоий – иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги салмоғи мавқеи қуйидаги жадвал маълумотлари орқали яққол намоён бўлади.

Президентимиз И.А. Каримовнинг фикр–мулоҳазаларидан ва бюджет ижросининг амалдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг, ҳукуматнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги мавқеини янада ошишига сабаб бўлаётган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини туғри ва оқилона тарзда сарфланиши ва бюджетга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга ва рағбатлантиришни таъминлашнинг зарурлиги. Ҳақиқатдан ҳам, маҳаллий бюджет харажатларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан бюджет маблағлари ҳисобидан сотиб олинadиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳоллари учрамоқда.

б) Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласининг устуворлиги Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг энг устувор йўналиши сифатида тан олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш томайилларидан бири – аҳолини демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламларига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳажми ошиб бормоқда.

в) Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларнинг ошиб бориши. Бундан ташқари давлат қуйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажми ҳам ошиб бормоқда.

Маҳаллий бюджетлар орқали халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари молиялаштириб борилади. Маҳаллий бюджетлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида давлатнинг олиб бораётган сиёсатининг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Қарийиб аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг 100% и маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади.

Амалдаги иқтисодий сиёсат стратегик йўналишларидан келиб чиққан ҳолда жойлардаги ислохотларни амалга оширишда давлат бюджетининг роли ҳолат муҳимлиги табиий ҳолдир. Шунга асосланган ҳолда давлатнинг марказлаштирилган пул фондларини асосий шаклларида бири булган давлат бюджети муносабатларини шакллантириш ва бюджет ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳудудлар бўйича тақсимланишининг умумий механизмлари бюджетлараро муносабатлар тизимида ўз аксини топади.

Ўзбекистон демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бунда давлат бюджетини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Шунинг ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси 2000 йил, 2- чакирик, III-сессиясида, «Бюджет тизими тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тўғрисида ягона қонун ҳисобланади.

Ушбу қонун:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тузилиши ва таркибий тузилмаси принципларини;

- Давлат бюджети ва унинг таркибига кирувчи бюджетларни тузиш. Қўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

- бюджетнинг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини;

- турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини;

- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш чоғида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2013 йил охирида Ўзбекистон республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши билан бюджет қонунчилиги янада мукаммаллашди.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини,

шунингдек, бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларини ўзида ифодалайди. Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижросини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет харажатлари таркибида ижтимоий-маданий муассасалар, биринчи навбатда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари харажатлари энг юкори улушни ташкил этади.

Коммунал хизматлар соҳасига маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратилиши ҳам бу хизматларни аҳоли турмуш даражасидаги ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ. Шунингдек, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, канализация хизматларини кенгайтириш, чикиндиларни қайта ишлашни йулга қуйиш каби соҳаларни ривожлантиришда ҳам маҳаллий молия идоралари муҳим рол уйнайди.

Шаҳар ва кишлоқлар ободончилигини таъминлаш маҳаллий ҳокимиятлар фаолияти билан боғлиқ энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу соҳага маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратган ҳолда уларни самарали сарфланишини таъминловчи тизимини яратиш ҳам зарур ҳисобланади. Бу соҳада шаҳарларда мавжуд бўлган тармоқлардаги монопол ташкилотларга барҳам бериш керак. Чунки бу ташкилотлар, уз макеидан фойдаланган ҳолда иш хажмларини кушиб Езиш асосида бюджетдан қушимча маблағлар олишга ҳаракат қилади. Шу сабабли бу хизматларга ташкилотларни танлашни тендер асосида танлаб олиш нафакат бюджет маблағларини иқтисод қилиш, балки шаҳарни ободонлаштириш учун хизмат сифатини ҳам яхшилаш имконини беради.

Маҳаллий бюджетлар харажатларида аниқса бозор иқтисодиётига утиш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири, бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади. Бу соҳага ажратилган маблағларни адреслилигини таъминлаш, яъни бу маблағларни айнан муҳтож оила ва кишиларга етиб боришини таъминлаш маҳаллий молия идораларининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бунда, ижтимоий Ердамга муҳтож оилаларга маблағ ажратишда, уни тақсимлаш механизмида субъектив Ендашув имкониятини қамайтириш, нафақаларни белгилашда ошқоралиқни таъминлаш асосий муаммоларга қиради.

Маҳаллий молия идоралари томонидан бюджет муассасаларининг яъни маҳаллий бюджетга қирувчи ташкилотларнинг харажатлари сметаси текширилиб, умумлаштирилган сметалар асосида, бюджетда қурсатилган тадбирларни молиялаштириш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тегишли бюджет харажатларини қоракларга бўлинадиган йиллик рўйхати тузилади.

Бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдикланган сметалари ва штат жадваллари, шунингдек амалдаги сметаларга ва штат жадвалларига киритиладиган узгаришлар молия органлари руйхатидан утказилгандан сунг амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини штат жадваллари ва харажатлар сметаларини руйхатдан утказиш конун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари бюджет ташкилотларининг иш хаки ва харажатларига маблағлар беришини, уларнинг сметаларини тегишли молия органларида руйхатдан утказилгандан сунг амалга оширилади.

Молия идоралари хар йил биринчи чоракда барча бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларини туГри тузилиши, тасдикланиши ва уз вактида етказилиши устидан текширишлар утказиб борадилар. Текширишлар давомида куйидагилар амалга оширилади:

- маҳаллий бюджетларни тузиш учун такдим килинган смета молиявий хужжатларини хар томонлама чукур таҳлил килишни амалга ошириш, маблағларга булган эҳтиёжни аниклашда молия бюджет конун хужжатларига катъий риоя килиш ва бюджет маблағларини белгиланган максадларга, иктисод килиб йуналтиришга эришиш;

- маҳаллий хокимиятларнинг бошкармалари ва булимлари томонидан бюджет ташкилотлари харажатлари сметаларини куриб чикиш, тасдиклаш ва уз вактида етказиш буйича ишларни тутри ташкил этишни таъминлашга эришиш;

- махсус маблағлар сметалари буйича даромад ва харажатларнинг конуний хосил килинишига ва асосли режалаштирилишига эътибор килиш, бунда даромадларни янада тулик хисобга олиш, утадиган пул маблағлари даромадлари колдигини, мазкур маблағларни тежамли ва максадли ишлатишни назарда тутиб эътибор бериш;

- сметани режалаштиришда аникланган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш буйича чоралар куллаш, сметалар буйича аникланган ортикча маблағлар микдорини, ташкилотларнинг рахбатларини огоҳлантириб, бюджетдан ажратилган маблағларни кискартириш;

Давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш, хамда бюджет харажатларини тулик ва уз вактида молиялаштиришни таъминлаш, бюджет маблағларининг максадли ишлатилишини таъминлаш борасида молия идоралари куйидагиларни катъий бажарадилар.

Биринчи навбатдаги харажатлар амалга оширилиши куйидаги кетма-кетликда бажарилади (иловал).

- иш хаки,ижтимоий суГурта туловлари билан биргаликда, стипендиялар;

-16 Ешгача боласи булган оилаларга ва 2 Ешгача боласи булган оналарга юола тарбияси учун нафака хамда кам таъминланган оилаларга моддий Ердам;

-бюджет муассасалари томонидан белгиланган контингентдаги болалар, беморлар ва кариялар учун озик-овкат махсулотлари ва дори-дармон сотиб олиш.

Бюджет харажатларини молиялаштириш тартиби эса куйидагича амалга оширилади:

-тасдикланган бюджет параметрлари ва харажатлар сметалари доирасида Х ва ХХ гурухларга киритилган туловларни биринчи навбатда ва тулик молиялаштириш;

- ХХХ гурух буйича капитал куйилмалар харажатларини инвестиция дастурига киритилган объектларнинг манзили руйхатлари буйича урнатилган молиялаштириш режалари доирасида амалга ошириш;

- харажатларнинг XV гурухи, яъни озик-овкат, дори-дармонлар сотиб олиш харажатларига маблағ йуналтириш;

- бошка моддалар буйича харажатларни (хизмат сафари ва укув харажатлари, коммунал хизматлар, хужалик харажатлари, юмшок ва бошка харажатлар) юкоридаги туловлар тулик амалга оширилгандан сунг даромадлар тушумига караб молиялаштиради;

-биринчи навбатда харажатларни ойнинг дастлабки кунлариданок тулик молиялаштиришни таъминлаш максатида худудий маҳаллий бюджетлар учун белгиланган айланма касса маблағлари микдорини саклаш.

Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган барча туловларнинг кунлик бажарилиши туГрисидаги даромадлар ва харажатлар буйича тезкор мониторингни сифатли ва белгиланган тартибда ташкил этиш.

Бюджет ташкилотлари учун белгиланган коммунал хизматлар харажатлари лимитларига катъий риоя этилишини таъминлайдилар.

Купгина чет эл мамлакатларида маҳаллий бюджетлар даромадларини шаклланиши хар бир холати катъий коидаларга буйсиндирилган.

Худудий бюджетларни тузиш буйича конун асосида белгиланган тамойилларга амал килишлари лозим. Улардан асосийлари бюджетнинг умумий баланстирилаштирилганлиги ва бюджетнинг туликлиги тамойиллари хисобланади. Бошкача айтганда, бу лойхада барча мулжалланЕтган даромад ва харажатлар уз аксини топиши керак.

ДунЕнинг турли мамлакатларида маҳаллий бюджет маблағларини шаклланиш манбасига асосланиб маҳаллий молия идоралари вазифалари белгиланади.

АКШ – федерал давлатдир, шу сабабли, мамлакатда солик тизими уч босқичли бўлиб, федерал соликлар, штатларнинг соликлари ва маҳаллий соликларни уз ичига олади.

Штатларнинг бюджетларига солик тушумларининг умумий ҳажмида жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 39 фоизни, маҳсулот сотишдан олинадиган солик 49 фоизни юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи 2 фоизни, фойдали казилмалар казиб чиқарганлик учун табиий ресурсларнинг мулкдорлари томонидан туланадиган солик 2 фоизни, лицензияланадиган фаолият билан шугулланиш ҳукукини берганлик учун олинадиган лицензия йиғимлари 6 фоизни ташкил қилади.

Муниципал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад соликлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йиғимлари, касб учун солик, фойдали казилмаларни казиб чиқарганлик учун солик солишлари мумкин. Бу соликлар баъзи маҳаллий бюджетларда 75 фоизга етади.

Америка Кушма штатларида маҳаллий бюджетларнинг 40 фоизи юқори бюджетлардан ажратмалар ҳисобига шаклланади. Маҳаллий солик тушумларининг 70 фоизи мулк солиғи ташкил этади ва бу солик тури маҳаллий соликларнинг асосийси ҳисобланади.

Федерал тузилишидаги давлатларда, федерация аъзоларининг бюджет даромадлари ҳар хил манбалар ҳисобидан шаклланади. Масалан, АКШда штатлар бюджети шаклланиши асосан эҒри соликлар тушумига асосланади, унда сотувдвн олинадиган солик муҳим аҳамият касб этади. Германияда эса жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган соликлар федерал ва ҳудудлар бюджетлари уртасида муайян улуш бўйича бўлинади. Купгина давлатларда умумдават соликларга, маҳаллий бюджетга тушадиган устамалар қулланилади. Бундан ташқари, йирик маъмурий бўлинмалар ҳукумат томонидан қафолатланган маҳаллий заёмлар чиқариш ҳукукига эга.

Америка Кушма Штатлари иқтисодий сиёсати эркин бозор муносабатларига асосланади.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг 20 фоизи бошқа тушумлар ташкил этади. Булар жумласига – ер ва массивларни арендага (ижарага) бериш ва сотиш, коммунал ташкилотлар, маҳаллий транспортлар, йулларнинг эксплуатациясидан, сувдвн, электр энергиядан фойдаланиш ва бошқа жарима ва туловлардан тушган тушумлар қиради.

Канада эса – маҳаллий бюджет даромадларининг 40 фоизи маҳаллий соликлар, соликсиз тушумлар 12 фоиз ва субсидиялар 48 фоизни ташкил этади.

Швецияда эса – маҳаллий молия идоралар бюджетининг 70-80 фоизи мустаҳкамланган манбалардан олинади. Жумладан, фукаролардан олинadиган даромад солиҒи микдори 18 фоизни ташкил этади. Давлат дотациялари 15-29 фоизни ташкил этади.

Буюк Британияда – туманлар бюджети даромадларининг 30 фоизи кишлок хужалигига алоқадор бўлмаган ер ва қурилиш эгаларидан олинadиган маҳаллий солиқлар ташкил этади. Давлат дотациялари 30 фоиздан иборат.

Жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қуйидагилар таъминлангандагина – соғлом, етарли ва балансланган бюджетни шакллантириш мумкин:

- маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш;
- маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмини қайта тузилиш масаласини еуриб чиқиш.

Ҳозирда маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишдаги шакллантириш номинал солиқ оқини ошириш ҳисобига амалга оширилиши уз қучини йукотади. Шунинг учун маҳаллий бюджет даромадларининг асосий уқини – солиқ имтиёзларининг маълум даражада қисқартирилиши ва бюджет процессининг такомиллаштирилиши ҳамда маҳаллий солиқлар ва давлат солиқларининг йиғилишини уқини таъминловчи жараён бўлган тулов қоидаларига риоя этилиши орқали таъминланиши назарда тутилмоқда.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган солиқ реформаси амалга оширилиши лозим. Улар уз ичига қуйидагиларни олади:

- солиқ қонунчилигининг соддалаштирилиши мақсадида унинг такомиллаштирилиши, унинг мустаҳкамланиши, солиққа тортиладиган базаларнинг қенгайтирилиши, солиқ ставкаларининг қамайрилиши, айрим солиқ туловчи категорияларга нисбатан солиқларнинг нейтраллигини таъминлаш;
- бир қатор солиқ имтиёзларини қайта қуриб чиқиш ва бекор қилиш;
- бир ҳил солиқ базасига эга бўлган солиқларнинг бирлаштирилиши;
- даромадларни яшириш, солиқ туловларидан четга чиқиш (қочиш), солиқ қонунчилигига қатъий риоя этилиши юзасидан қаттиқ назорат урнатиш.

Дотациялар – жорий харажатларни қоплаш учун узга даражадаги бюджетларга қайтарилмаслик асосида ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Субвенциялар - узга бюджетларга ҳқи юридик шахсларга маълум мақсадларга қайтарилмаслик асосида ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Субсидиялар – мақсадли харажатларни улушбай асосида молиялаштириш учун узга бюджетга, жисмоний ва юридик шахсларга ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Бюджет ассигнованиялари – бюджетда кузда тutilган ва бюджет маблағларини олувчиларга ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Бюджет кредити - кайтариш шarti билан юридик шахслар харажатларини молиялаштиришга ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Бюджет ссудаси - узга бюджетга 6 ойдан куп булмаган муддатга кайтаришлик шarti асосида ажратиладиган бюджет маблағларидир.

Республикамизнинг барча вилоятлари бюджет маблағларининг мавжудлиги даражасига кура, дотацион ёки донор вилоятларга булинган.

Дотацион вилоятлар узларининг бюджетдан молиялаштириладиган сохаларини тулик молиялаштира олмайдилар ва республика бюджетидан турли куринишдаги трансфертлар оладилар. Бир вақтнинг узида улар республика бюджетига соликларни белгиланган нормативларга кура ажратадилар. Пул маблағларининг карама-карши харакати юзага келади. Донор регионлар эса соликларни тулайдилар. уз бюджетларининг маблағларга булган эхтигжини кондирадилар ва дотацион вилоятларга ҳам республика бюджети оркали кайта таксимланиб ажратиладиган солик тушумларидан ажратмалар амалга оширадилар.

Вақти-вақти билан донор ва дотацион регионлар урни алмашиб туради. Лекин биздаги Тошкент шаҳри, Бухоро вилояти, Кашкадарё вилояти каби регионлар барча вақтларда донор регионлар ролини бажариб келишган булса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилояти каби регионлар эса бюджетдан дотация оладиган, яъни даромадлари уз бюджет эхтигжларини коплашга етмайдиган вилоятлар каторида булиб келганлар.

Амалдаги тизимнинг муаммовий хусусияти шундаки, агарда аввал нарх-наво ва иш хаки даражаси марказдан белгиланган булса, хозир у купчилик жихатдан бозор конунлари, талаб ва таклиф асосида вужудга келмокда. Бирок маҳаллий хокимият органлари, уларни донор регионлар, республика бюджети оркали куллаб-қувватлашларини билганлари холда, узларининг даромад базаларини ва иктисодий салохиятларини оширишга жуда ҳам харакат килаётганлари йук. Бундай тартиб юзага келган холат учун жавобгарликни республика ҳукуматига юклатилишини келтириб чиқармокда. Баъзи регионлар эса республика бюджетидан мумкин кадар купрок маблағ олишга эришиш мақсадида нафакалар ва турли ижтимоий туловлар хажмини сунъий равишда оширишга харакат килмокдалар.

Вилоятлар республика бюджетидан талаб киладиган грдм трансфертлари хажми, республика бюджети имкониятларидан анча

юкоридир. Бизнинг фикримизча, худди мана шундай ҳолатларда бюджет тизимининг муаммоси яққол кузга ташланади. Бюджет тизими ҳар икки йуналишда ҳаракат қилаётган катта микдордаги пул оқимлари (дотациялар, субвенциялар, узаро ҳисоб-китоб маблағлари, инвестиция ва кредит маблағлари ва ҳ.к.) билан мураккаблашиб кетган.

Иқтисодиётда ушбу пул оқимларини купинча ажратиб олиш кийин булади. Ижтимоий соҳа харажатларини маҳаллий бюджетлар узлари коплай олмаганликлари туфайли пул оқимлари республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга келиб тушади. Аниқроғи, маҳаллий корхона ва ташкилотлардан ундирилган умумдавлат соликлари аввал республика бюджетига, кейин эса белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга қайта тақсимланади.

1.3. Маҳаллий бюджетлар ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг молиявий асоси сифатида.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқлари – маҳаллий бюджет доирасидаги барча бюджетларнинг даромадларининг шаклланиши ва уларни бюджетга келиб тушишида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари тушунилади. Шундай экан, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш учун тегишли ҳуқуқ ва имтиёзлар тизими билан мустаҳкамлашган манбалар зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақил республика бўлиши муносабати билан ҳозирги вақтда маҳаллий бюджетни даромадларининг ташкил бўлишида ҳуқуқий асосларини республикамиз шароитига мослаштириб ўзгартирилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунларда ўз аксини топади.

Ушбу қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳисобланади. Ушбу кодекс 1998 йил 1 январдан амалга киритилди. Янги таҳрири эса 2008 йил 1 январдан амал қилмоқда. Солиқ кодексида маҳаллий бюджетлар даромадлари манбалари ва уларнинг ташкил топиши аниқ келтириб ўтилган.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси ҳудудларда яратилаётган миллий даромад, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, даромадларнинг доимий ва бир маромда тушумини маҳаллий ҳокимият даромадлари ошишидан манфаатдорлиги билан бевосита боғлиқдир. Биринчидан, маҳаллий бюджетдан даромадларни оширишнинг ички резервлари, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, жойларда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда

иқтисодий ислохотларни амалга оширишда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни, турли мулкчилик шакллари юзага келтиришда ва мулкчилик шакллари ўртасида рақобатни яратишда, уларни эркин ривожлантиришга эришишда муҳим роль эгаллайди. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бевосита қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотлар билан боғлиқдир.

Иккинчидан, тузилмавий тартибларнинг энг муҳим устувор йуналиши қишлоқ хўжалигидан ва умуман агросаноат мажмуида чуқур прогрессив силжишга эришишдир. Бу силжишлар озиқ – овқат муаммосини тубдан ҳал этишга, қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқларининг бажарилиши бевосита унинг даромадлари билан боғлиқ экан, даромадлар манбалари ва унинг ташкил топишини тадқиқ этиш жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Маҳаллий бюджет даромадлари ҳажми ва таркиби маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқ ва йиғимларни йиғиб олиш имконияти, ҳамда юқори давлат органларининг ҳудудларга молиявий ёрдам бера олиш имконияти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат томонидан олиб бориладиган молия – бюджет сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан солиқларни умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқ ва йиғимларга ажратилади.

Умумий тарзда маҳаллий бюджетлар даромадлари икки турга бўлиб ўрганилади:

- 1) Маҳаллий бюджетга бириктирилган даромадлар;
- 2) Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари.

Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари таркибига маҳаллий солиқлар ва йиғимлар киради. Солиқ Кодексида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига қуйидагилар киради:

- мол- мулк солиғи;
- ер солиғи;
- автотранспорт воситаларини сотганлиги учун солиқ;;
- савдо – сотик учун йиғим;
- айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлар;

- юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
- автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- ободончилик учун йиғим.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий солиқ ва йиғимлар тизими бирмунча мукаммал ҳолда 1993 йил 7 майдаги «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ги қонун қабул қилингандан сунг вужудга келди.

Маҳаллий ва солиқ ва йиғимлар минтақани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа ресурсларни қайта ишлаб чиқариш, давлат бошқаруви ва маҳаллий идораларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт- шароит яратиш мақсадини кузлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилингунга қадар амал қилган «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида» ги қонунга кўра тўрт турдаги, яъни жисмоний шахсларни мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи, транспорт воситаси эгаларидан олинадиган солиқ ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан утказиш учун олинадиган йиғим республиканинг барча ҳудудларида ундирилар эди.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида республика қонунлари билан жорий этиладиган ва мамлакатнинг бутун ҳудудларида амал қиладиган маҳаллий солиқлар иккита қилиб белгиланди. Улар мол-мулк ва ер солиғидан иборат. Солиқ кодексида мол-мулк солиғининг аввал амалда бўлган корхоналар мол-мулкидан ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқлар ўрнига ягона тури кўзда тутилади.

Республика қонунчилик ҳужжатлари билан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг тўловчилари, солиқ объектлари, солиқ ставкалари ҳамда солиққа тортишга оид бўлган бошқа масалалар республиканинг барча ҳудудлари учун ягона қоидалар асосида белгилаб қўйилган.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тизимига кирувчи солиқлар йиғимларнинг кўпчилик қисми маҳаллий ҳокимият идораларининг бевосита ўзлари томонидан жорий этилади ҳамда олинади. Маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ҳақидаги қонунда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ўн тўртта тури вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан жорий этилиши кўрсатилган эди.

Маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан жорий этиладиган солиқлар ва йиғимлар жумласига:

- автотранспорт воситаларини олиб – сотиш учун солиқ;
- савдо – сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

-юримдик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

-автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;

-ободончилик ишлари учун йиғимлар киради.

Ер солиғи – маҳаллий солиқ сифатида маҳаллий бюджетни тулдирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ер солиғи солиқнинг махсус тури сифатида дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Ер солиғи тўғрисида» ги +онунига биноан жорий этилган. Ер солиғи ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ сифатида олинади.

Солиқ кодексида умумдавлат солиқларининг қуйидаги турлари кўрсатилган:

- ҳуқуқий шахсларнинг даромад солиғи;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари таркибига даромад базаларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетлар ихтиёрига қолдириладиган умумдавлат солиқларидан тушумлар, республика бюджетидан ажратилладиган субсидиялар ҳамда маҳаллий бюджетларни даромад базаларини мустаҳкамлаш учун Молия Вазирлиги лицензияси орқали рухсат этилган шароитда турли тадбирлардан тушадиган маблағлар киради.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадларига тартибга солувчи солиқларнинг салмоғи жуда каттадир. Маҳаллий бюджетлар даромадларида тартибга солувчи солиқларни салмоғи 1998 – 2000 йиллар мобайнида ўртача 88 фоизни ташкил қилган. Бунинг асосий сабаби 2000 йилда фақат иккита солиқ тури тартибга солувчи солиқ сифатида сақлаб қолинган эди. Булар қўшилган қиймат ва фойда солиғидир.

Бундан давлатнинг қуўлаган мақсади маҳаллий ҳокимият органларини маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги манфаатдорлиги ва жавобгарлигини оширишдир.

Ҳукумат умумдавлат солиқлардан маҳаллий бюджетларга ажратмалар ажратиш орқали маҳаллий ҳокимият органларининг ушбу солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириб олишдаги манфаатдорлигини таъминлаши ҳам зарурдир. Чунки давлат бюджети даромад манбаи, миллий даромад ҳудудларда яратилади. Шу сабабли миллий даромадни давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида оптимал тақсимланишига эришиш тартибга солувчи

даромадлар миқдорини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Умумдават солиқлардан ажратмалар миқдорини вилоятлар бўйича турли хиллиги, вилоятларнинг умумдават солиқларини йиғишдаги манфаатдорлиги турлича бўлишига олиб келади.

Нисбатан иқтисодий паст ривожланган вилоятлар учун умумдават солиқлардан ажратмалар миқдори 100 фоизгача белгиланган. Бу билан давлат бир вақтнинг узида Республика вилоятлари уртисида бюджет даромадлари борасида юзага келган нотекисликни ҳам горизонтал, ҳам вертикал ҳолатда очишга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда солиқ базаси катта вилоятлар учун ажратма фоизлари кам белгиланган ҳолатда, аксинча солиқ базаси кичик вилоятлар учун умумдават солиқларидан 100 фоиз миқдорида қолдирилган. Давлат бюджетининг асосий харажатларини маҳаллий бюджетлар харажатлари ташкил қилиши ва давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини маҳаллий бюджетлар ёрдамида амалга ошириши, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишида нотекисликнинг катталиги давлат томонидан умумдават солиқларни катта қисмини маҳаллий бюджетлар ҳисобига беришига олиб келмоқда. Яъни, давлат маҳаллий бюджетларни тақчилсиз бўлишига интилиб келмоқда.

Ҳудудларнинг бюджетдан амалга оширилаётган харажатларининг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларни давлат томонидан даромадларни тартибга солишда бирламчи Республика бюджетида йиғилган даромадларни қайта тақсимлашни талаб қилади. Бу мақсадда барча давлатлар амалиётида дотация ва субвенцияларан фойдаланади.

Туман ва шаҳарлар бюджетларида ҳам тартибга солувчи солиқлар уларнинг даромадида салмоқли ўринни эгаллайди. Туман, шаҳар бюджетларини тартибга солиш вилоят бюджетлари томонидан амалга оширилади. Умумдават солиқларнинг ажратмалар миқдори ушбу бюджетларга вилоят учун давлат томонидан белгиланган фоизлар даражасида туман ва шаҳар ҳудудларида йиғиладиган солиқлар суммасидан келиб чиқиб белгиланади.

Ҳозирги вақтда ва келажакда барча қонуний жараёнлар изчил равишда ва ҳеч қандай чекинишларсиз амалга амалга оширилиши керак. Бозор иқтисодиётининг нормал ишлаши учун ҳуқуқий ахборотлар асосий ўринни эгаллайди ва ҳуқуқий норматив актлар ҳақида тўла ахборотга эга бўлмасдан шароитни тўғри баҳолаш ва келажакда режаларни тузиш жуда ҳам қийинлашади.

Маҳаллий бюджетни тартибга соладиган даромадларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, биринчи навбатда, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси»

хисобланади. Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси бюджети ва бюджет даромади манбаини солиқлар сифатида белгилайди. Ушбу солиқлар давлатнинг ижтимоий ҳимоя вазифалари ижро этилишини таъминлаш, жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва мамлакатнинг халқаро тўловларини амалга оширишни учун молиявий маблағ билан таъминлаш учун жорий қилинган. Ушбу Кодексида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилинаётган солиқлар, солиқ тўловчилар солиқ солиш объекти, солиқ тўлаш тартиби, солиққа тортиш бўйича имтиёзлар, солиқ тўлаш бўйича чиққан низоларни ечиш тартиби белгиланади.

Корхона, ташкилотлар, бирлашмаларнинг фаолиятини солиқ билан тартибга солиш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

1. Манбасидан қатъий назар барча даромадларни солиққа тортиш мажбурийлиги.
2. Солиққа тортишнинг ягона умумдават сиёсати.
3. Солиқ турларининг рағбатлантирувчи роли.
4. Декларация ва молиявий назорат қилиш.

Молия – солиқ муносабатлари шаклланаётган даврда республикаимиз ҳудудида ягона солиқ тизими мавжуд. Солиқлар белгилаш ҳуқуқи Олий Мажлис тасарруфига киради.

Солиқ тизимининг муваффақиятли амал қилиши учун солиқ қонунларини амалга оширишнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш ва белгилаш зарур. Бундай қонунчиликка оид ҳужжатлар ва меъёрлар солиқларни тартибга солишнинг барча ҳуқуқий элементларига эга бўлиши лозим. Бундаги асосий омиллар солиқлар соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг аниқ соҳасини юридик жихатдан тартибга солишнинг тўлиқлиги, солиқлар борасидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг мазмунини батафсил тартибга солиб туришни таъминлашдан иборатдир. Республикаимизнинг солиқ қонунчилигини тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бунда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

- солиқларга доир қонуний ҳужжатларни ягона қонунлар тўплашга бирлаштиришни давом эттириш, яъни Ўзбекистон солиққа тортиш ва йиғимларни ундиришнинг умумий тамойиллари ҳақидаги қонун ва Солиқ кодекси солиқлар орқали тартибга солишнинг асосий умумдават ҳужжатлари бўлиб қолиши керак.

- Ўзбекистонда солиққа тортиш ва йиғимларни ундиришнинг умумий тамойиллари ҳақидаги қонун мамлакатнинг солиқ тизимини ташкил этиш ва унинг амал қилишининг конституцион негизларни аниқлаштириши ва ривожлантириши, марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколотларини

чегаралаб қўйиши, солиққа тортиш соҳасида биргаликда иш юритишни амалга ошириш тартибини белгилаб бериши керак;

- Солиқ Кодекси солиқ режимини, солиққа тортиш ва йиғимларни ундириш тамойилларининг амалга оширилиши шарт – шароитларини, солиққа тортиш соҳасидаги давлатга қарашли ҳуқуқий нормалар ва қонунчиликни аниқ ва узил-кесил тартибга солиши лозим;

- Солиқлар ва тўловларни ҳисоблаш механизмининг максимал тарзда соддалаштиришни назарда тутиш зарур;

- Солиққа тортишнинг аниқ турларининг ҳуқуқий режимини тартибга солувчи махсус қонунлари барча меъерий ҳужжатлар билан ўзаро ва бошқа қонунлар билан уйғунлашган бўлиши керак. Уларда қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

- Кичик бизнес корхоналар учун солиққа тортиш, ҳисоб ва ҳисоботнинг соддалаштирилган тизими;

- Ҳозирги вақтда тадбиркорлик тузилмаларни боқимандачилик кайфиятларига солинишига кўмаклашаётган ва бир хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар бериш ҳисобига бошқа субъектларнинг зиммасидаги солиқлар юқини кўпайтириб юбораётган солиқ имтиёзларини қисқартириш;

- бир объектининг ўзидан ундириладиган солиқлар сонини камайтириш;

Умуман олганда солиқ тўғрисидаги қонунларда солиққа тортишнинг умумий тамойилларини амалга ошириш тартиби, солиқларнинг белгиланиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши, солиқларни бошқариш, режалаштириш, солиқ назорати, солиққа тортиш объектлари, солиқ имтиёзлари каби муҳим масалалар ўз аксини топиши керак.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида» ги + онунда ҳам ёритилган. Ушбу + онунга кўра, бюджет амалиётида маҳаллий бюджетларнинг тақчиллигига йул қўйилмайди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 55- сонли қарорида кўрсатилган маҳаллий бюджетлар даромадлар базаларига нисбатан белгиланган меъерлар ҳамда шу қарор асосида маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари 2001 йилдан кескин ўзгарди. Давлат бюджети сиёсатининг стратегик вазифалари маҳаллий бюджетлар даромадлар базаларини мустаҳкамлашни назарда тутди, бунда асосий эътибор бириктирилган даромадлар учун қаратилмоқда. 1995 йилда бириктирилган даромадлар улуши 19 фоизни, 1998 йилда 23 фоизни ташкил этган, 2000 йилда 39.6 фоизни ташкил этган бўлса, сўнгги йилларда 50 фоиздан ортмоқда.

Бюджет тизимини ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифаларнинг амал қилиши 2005 йилга маҳаллий бюджетлар бириктирилган даромадлари улушини 60 фоиз даражасига етказиш имконини берди.

Маҳаллий бюджет даромадлари таркибида тартибга солувчи даромадлар таъсири ҳамон сезиларли даражада қолмоқда. Ушбу таъсир «маҳаллий бюджет тақчиллигига йул қўйилмаслиги» ҳолати ҳам янада кучайди. Чунки бириктирилган даромадлар таркибида белгиловчи салмоққа эга бўлган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тури ва меъерлари ўз чегарасига эга. Бу манбадаги асосий имконият янги солиқ ва йиғимларни жорий этиш ҳамда солиқсиз даромадлардан тушадиган маблағларни кўпайтиришдан иборат. Шу боис ҳудудий иқтисодият муаммоси, мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий тармоқ муаммоларини ҳал этиш юзасидан сиёсати тартибга солувчи даромадларнинг ҳозирги кундаги белгиловчи аҳамиятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси социал иқтисодий ривожланишини прогнозлаштиришнинг умумий вазифалардан келиб чиққан ҳолда молиявий режалаштиришнинг ажралмас бир қисми сифатида маҳаллий бюджет даромадини ривожлантиришни амалга оширади. Маҳаллий бюджетнинг умумий молия тизимидаги салмоғи 30 фоиздан 60 фоизгача бўлиши мумкин.

Маҳаллий туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар бюджети даромадлари қуйидаги маблағлардан ҳосил бўлади:

- маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги корхоналар фойдасидан, давлат божидан ажратиладиган маблағлар;
- жисмоний шахсларнинг мулк солиғи;
- ер солиғи;
- транспорт воситалари эгасидан олинадиган солиқ;
- савдо ҳуқуқи йиғими;
- вино, ароқ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини лицензия йиғими;
- маҳаллий аукционлар ва лоторея ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғими;
- тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг рўйхатга олиш (герб) йиғими;
- давлат бюджетидан ажратилган субвенция ва субсидиялар;
- маҳаллий заемлардан тушган даромадлар;

Амал қилаётган барча солиқлар ва йиғимларни жорий этилган энг асосий мақсадлардан бири бу бюджет тизимига кирувчи давлат республика ва маҳаллий бюджетларни даромадларини шакллантиришдан иборат бўлади. Юқорида қайд этганимиздек, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар асосан маҳаллий бюджетлар молиявий ресурсларини шакллантиришга хизмат қилади. Маҳаллий солиқларнинг бу борадаги ўрнини таҳлил этишдан олдин бюджет тизими, унинг таркиби ҳақида қисқача тўхталиб қтишни лозим топдик. Маълумки бюджет тизими бу турли даражадиги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, уларни ташкил этишни ва

утузиш принципларини, шунингдек бюджет жараёнида пайдо бўладиган улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзида ифодаладиган молиявий тизимнинг асосий звеноси ҳисобланади. Бюджет ўзида даромадлар ва харажатларни мужассамлаштирган ҳолда асосий молиявий категорияларни акс эттириб, улар ҳаракати орқали ресурсларни йиғилиши ва харажат қилинишига олиб келади.

Юқорида қайд этганимиздек, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар асосан Солиқ кодексида белгиланган ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида кўрсатилган тартибда ўрнатилади. Бироқ, моҳияти жиҳатидан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланадиган ва маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган мажбурий тўловлардир. Республикамизда иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилаётган ва иқтисодий эркинлаштиришни янги босқичида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларни социал-иқтисодий томондан бошқаришдаги ролини кўтариш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бунда биринчидан Марказий бошқарув органлари маълум даражада ортиқча ташвиш ва вазифалардан ҳоли бўлади, иккинчидан маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларнинг социал-иқтисодий ривожланишидаги маъсулияти ошади, ҳамда ушбу ҳудуддаги муаммоларни тез ечилишга олиб келади.

Маҳаллий ҳокимиятларни маҳаллий солиқларни жорий этиш ва умуман уларни ўз ҳуқуқ-мажбуриятлари Конституциянинг тегишли (100-модда) моддаларида акс этган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- ◆ қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;

- ◆ ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш;

- ◆ маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

- ◆ маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

- ◆ атроф муҳитни муҳофаза қилиш фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

- ◆ норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бу қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орасида учинчи бандда белгиланган вазифа ижтимоий-иқтисодий моҳияти жиҳатидан алоҳида маъқеиғи, хусусиятга ва маъсулиятга моил вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қоплашда энг муҳим восита ва

манба бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, маҳаллий ҳокимиятларнинг зиммасидаги ва ваколатидаги бошқа вазифаларни тўлақонли бажариш, кўпинча молиявий ресурсларнинг мавжу миқдорига бевосита боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимият органларига ўз ҳудудини иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожлантириш маъсулияти юкланган. Амалга оширилаётган ислохотлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимиятларининг регионларини иқтисодий ва социал ривожлантиришдаги муаммоларни ўз вақтида ечишдаги ролини кучайтиришни талаб қилади. Конституцияга асосан маҳаллий ҳокимиятлар ўзларининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларини тузиш ҳуқуқига эгадилар. Бугунги кунда эса ушбу ҳуқуқларнинг моддий асосини яратиш ва ривожлантирилиши зарурдир. 2000 йилда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ҳам маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш бўйича маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқлари кўрсатиб берилган. Бу қонунга мувофиқ Қорақолпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли равишда маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушувчи маҳаллий солиқлар йиғимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёزلарни белгилайди, шунингдек, улар ўз ваколатлари доирасида маҳаллий бюджет лойиҳаларини тегишинча ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик фанлари тасдиғига тақдим этади, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузади ҳамда бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни ташкил этади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш бўйича маҳаллий ҳокимиятларининг молиявий, бюджет ва солиқ ҳуқуқлари ривожини «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги қонунида ўз ифодасини топган бўлса, кейинчалик бу ҳуқуқлари «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топди. Бу қонунда юқоридагилардан ташқари маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ресурслари бевосита бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлардан, шунингдек, юқори бюджетлардан берилган субвенция ва дотациялардан ташкил топиши белгилаб берилган. Бу қонунга мувофиқ маҳаллий бюджетларнинг даромадлари асосан маҳаллий бюджетларга қтказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар божлар шунингдек мажбурий тўловлар ва солиқлар бўлмаган бошқа тушумлардан; қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга

йўналтириладиган умумдават солиқлари, йиғимлари, божлари, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда бошқа умумдават тушумларидан; қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат мулкани жойлаштириш, фойдаланиши беришдан олинган даромадлардан; шунингдек, ҳуқуқий актларга мувофиқ мерос олиш, ҳади этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига қтган пул маблағларидан юқори бюджет субвенциялари, дотациялари ва ссудаларидан ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шаклланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги +онунга мувофиқ эса маҳаллий солиқлар, йиғимлар, тўловлар бўйича имтиёзлар ўрнатишда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан ушбу имтиёзларни белгилаш ҳуқуқи берилган. Ушбу солиқлар бўйича имтиёзлар ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет даромадларига тушадиган маблағлар даражасида берилган. Имтиёзлар энг аввало ҳудуднинг социал-иқтисодий ривожланишидаги муаммоларни ечишга ижобий ёрдам бериши керак. Маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда даромадларни тушиши камайишига олиб келади. Аммо, бу камайиш ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволини яхшиланиши, ҳамда юзага келган муаммоларни ечилиши билан боғланиш зарур. Солиқлар бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан енгилликлар берилиши республика (давлат) бюджети даромадлар қисмига салбий таъсир қилмаслиги лозим.

Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш ва ундиришда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатлар эга бўлишини узвий таъминлаши лозим, чунки, Қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақолпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди. Бу ўз навбатида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўловчиларини белгилаш, солиқ объектини аниқлаш ставка ва имтиёзларни ҳудудининг социал-иқтисодий ва ижтимоий-демографияси вазиятини ҳисобга олган ҳолда объектив белгиланишини тақозо этадики, бу маҳаллий ҳокимликларнинг энг асосий вазифаларидан бири эканлигидан далолат беради.

2-боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларни бошқариш

2.1. Маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг меърий-ҳуқуқий асослари.

Маҳаллий бюджетларни тахминлаштиришга ёндошувлардаги ва марказий ҳамда маҳаллий органлар томонидан ягона ёндошувни қўллашдаги номутаносибликларни маҳаллий бюджетлар харажатларини қатъий меъёрлар асосида тахминлаштиришда бартараф қилиш мумкин.

2000 йилда тегишли тармоқлар ва бюджет хизматлари истеъмолчиларининг сони бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлардан келиб чиқиб ҳисобланувчи моддалар (тармоқлар) бўйича харажатларни қатъий белгиланган меъёрлар орқали тахминлаштиришга ўтишга уриниш бўлган. Бироқ, бундай қатъий меъёрлар сезиларли камчиликларга эга.

Ижтимоий инфратузилма ва саноат тармоқларини ривожланиш даражасидаги тафовутлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг мавжудлиги, баҳо даражасининг турличалиги сабабли вилоят ҳудудида кўрсатилаётган бюджет хизматларининг қиймати фарқ қилади. Бунда, вилоят бўйича ўртача ҳисобланган, бюджет харажатларининг юқорида келтирилган қатъий меъёрларини қўллаш «ўртача ҳарорат» самарасига эга бўлиши мумкин, яъни айрим туманлар бундай қатъий меъёрлар асосида ўз харажатларини тўла қоплай олишлари мумкин, бошқа ҳудудлар эса ўртача қатъий меъёрлар асосида харажатларини қоплай олмайдилар. Шундан келиб чиқиб, вилоятнинг турли ҳудудларидаги туманлар гуруҳи бўйича ҳисобланувчи ва ижтимоий инфратузилма объектларининг мавжудлиги, олислиги, шаҳар-қишлоқ аҳолисининг сони ва бошқа шу каби параметрларни ҳисобга олувчи коррективировка коэффициентларини қўллаш зарурдир.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини баҳолашнинг нисбатан асосланган усули овқатланиш учун харажатларнинг тиббий меъёрларини, таълим соҳасида услубий материаллар ва битта ўқитувчига тғри келадиган ўқувчи сони меъёрларини, бюджет ташкилотлари учун коммунал хизматлари харажатлари бўйича лимитларни ва бошқаларни ҳисобга олувчи ягона давлат меъёрлари асосида харажатларни молиялаштириш майдонга чиқади.

Бироқ, бюджет харажатларини ягона давлат меъёрлари асосида (ижтимоий жиҳатдан мақбул ва илмий асосланган) маҳаллий бюджетнинг реал даромадлари билан боғланмаган ҳолда режалаштириш ҳозирги вақтда бюджетнинг харажатлар қисмини даромадлар қисмидан сезиларли даражада ортиб кетишига олиб келмоқда. Шу боисдан таъкидлаш лозимки, бу каби

ягона давлат меъёрларини ҳозирги шароитда қўллаш харажат моддалари бўйича маҳаллий бюджетлар харажатларини онгли тарзда қисқартиришни англатади ва бу ҳолат харажат гуруҳларидаги у ёки бу моддалар бўйича молиялаштириш даражасининг асосланмаган тарзда кескин тебранишларига олиб келади. Ушбу амалиёт шуни англатадики, бюджет тизими бўғинлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлмиш «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун ўзининг «белгиланган харажат йўналишлари ва ҳажмлари бўйича маблағларни тақсимлаш»ни таъминлай олмаслиги оқибатида тегишли функциясини бажара олмаётир. Бунинг натижасида маҳаллий молия органлари ва Молия Вазирлиги ўртасида маҳаллий бюджетлар харажатларини тахминлаштириш юзасидан келишмовчилик ва номуносибликлар сақланиб қолаётир. Бундан ташқари бюджет харажатларининг ижтимоий мақбул ва асосланган давлат меъёрлари маълум ижтимоий стандартлар (истеъмол бюджети минимуми, яшовчанлик минимуми ва ҳ.к.)нинг ҳам қонуний тарзда тасдиқланишини талаб этадики, бу ҳолат яқин келажакда ягона давлат меъёрларини қўллашнинг имкониятлари чекланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бюджет харажатлари ваколатларини тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишнинг бу босқичида маҳаллий бюджетлар харажатларини харажат йўналишлари (маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой ва коммунал хўжалиги, бошқарув ва бошқалар) бўйича жон бошига тўғри келувчи меъёрлар асосида тахминлаштиришда коррективировка қилувчи туман коэффициентларининг ҳисобга олиниши ушбу харажатлар асослилигини ва ижросини таъминлайди.

Республика ва маҳаллий бюджетлар харажатларини тахминлаштиришда давлатнинг ягона меъёрларини қўллашда юқорида билдирилган ҳолатларнинг эътиборга олиниши маҳаллий молия органлари ва Молия Вазирлиги ўртасидаги харажатларни тахминлаштириш амалиётидаги келишмовчиликларни минималлаштириш имконини беради.

Бюджет харажатлари ваколатларини тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишнинг яна бир муҳим муаммоси ҳозирги бюджет амалиётида учраётган «маҳаллий бюджет харажатлари тахминлаштирилгандан сўнг унинг ижросида айрим харажатларнинг республика бюджети ихтиёрига олиб қўйиш» ҳолатларининг учрашидир. Ушбу зарурият, албатта, тегишли харажат йўналишининг мақсадли молиялаштирилиши ва муддатлилигини таъминлашнинг аҳамиятлилигидан келиб чиқсада, тахминлаштириш ва ижро этиш жараёнидаги яхлитликни бузади. Худди шундай ҳолатни алоҳида харажатларнинг республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга

ўтказилишида ҳам кузатиш мумкинки, бундай бюджет тадбирлари бюджет амалиётида учрамоқда.

Харажатлар ижросида маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига олиб қўйилаётган харажатларга ижтимоий соҳаларни молиялаштиришнинг «биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар ажратиш харажатлари»ни ҳамда «кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийим харажатлари»ни мисол қилиш мумкин.

Тегишли молия йили учун бюджет лойиҳаси тасдиқлангач, мазкур йил инвестиция дастурига тегишли ўзгартишларнинг киритилиши айрим инвестицияларни, жумладан, коллежлар ва лицейлар қурилишини молиялаштириш харажатларини республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрига ўтказилишини зарур қилиб қўймоқда.

Бюджет харажатларини тахминлаштириш ва ижро этиш жараёнидаги «давлат зарурияти» туфайли республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрига ёки маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига ўтказиладиган харажатлар ўзаро ҳисоб-китобларга қўйилмоқда.

Бюджет амалиётидаги ҳозирда мавжуд бўлган ушбу ҳолат бюджет тизими бўғинлари ўртасида харажат ваколатларининг асосланган ва адолатли тизими яратилмаганлигини тасдиқлайди. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун ушбу харажатларни маҳаллий бюджетлар зиммасига юклатилишини кўрсатади. Бироқ, ушбу харажатларнинг маҳаллий бюджетларга улар даромад базасини тегишли тарзда оширмай туриб бириктирилиши бюджет ссудаларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишига олиб келадики, уларни бериш амалиёти қайтарувчанлик муаммосининг кескинлиги туфайли номақбулдир.

Харажат ваколатларининг тақсимланишида, одатда, ушбу харажатларни ижро этувчи ҳокимият даражасини белгилашдан бошланади, сўнгра харажатларнинг тўлиқ ёки қисман молиялаштирилишини маҳаллий даражада ҳал этиш қўлами аниқланади. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетлар жами харажатлари ичида аҳолига адресли ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатлари (биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар ажратиш харажатлари, кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийим харажатлари)нинг истикболли йўналишлари аниқланади. Ушбу мақсадли харажатларнинг молиялаштирилмай қолиши ҳолатининг олдини олиш, бюджет ссудаларининг асоссиз тарзда ўсиб кетишига йўл қўйиш ҳолатининг бартараф этилиши учун ушбу харажатлар ижросини таъминлашга республика бюджетидан мақсадли субвенциялар ажратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг аграр хусусияти эътиборга олинса, сув хўжаликлари фаолиятини таъминлаш харажатлари бўлмиш суғориш харажатлари, коллектор-дренаж тизимларини тозалаш харажатлари,

тўғонларни мустаҳкамлаш харажатлари, шўр босган ерларни ювиш харажатлари ва сув хўжалиги бўйича бошқа капитал харажатларни молиялаштиришнинг нақадар аҳамиятлилигини таъкидлаш унчалик қийин эмас.

Ҳозирги кунда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга кўра ушбу харажатларни молиялаштириш республика бюджети зиммасига юклатилган. Шу боисдан республика бюджети лойиҳасини тайёрлаш, унинг ижросини таъминлаш ва ижро юзасидан ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда тақдим этиш масъулияти «биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар ажратиш харажатлари»ни ҳамда «кам таъминланган оилалар болалари учун кишки кийим харажатлари Молия Вазирлиги зиммасидадир. Юқорида келтирилган харажатларнинг тахминлаштирилиши жараёнида ҳам тармоқ вазирликлари ва Молия Вазирлиги ўртасида келишмовчиликлар мавжуд.

Ушбу харажатларни тахминлаштириш амалиётидаги келишмовчиликлар шундаки, қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги мавжуд эҳтиёжларидан келиб чиқса, Молия Вазирлиги тахминида асосий эътибор ўтган йили қилинган харажатларнинг ҳақиқий миқдори ва бюджет даромад базасининг ўзгаришига қаратилади. Сув хўжалиги харажатлари бўйича тахмин муҳокама этилиб, асосланилгандан сўнг қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги харажатлар ҳажмини вилоятлар бўйича тақсимлайди, ваҳоланки мазкур харажатлар республика бюджети томонидан молиялаштирилади.

Харажатларнинг самарадорлиги, жойлардаги эҳтиёжларнинг янада тўлиқ эътиборга олиниши нуктаи-назаридан сув хўжалиги харажатларини марказлашган ҳолда молиялаштириш амалиётини мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Бироқ, шунинг ҳам алоҳида эътиборга олиш лозимки, сув хўжалиги харажатларининг капитал хусусиятга эга бўлган турларини маҳаллий бюджетлар ихтиёрига ўтказиш ёки алоҳида ҳудуд зиммасига юклашнинг имкони йўқдир.

Бюджет тизими бўғинлари ўртасида харажатларни молиялаштириш ваколатларининг тақсимотини такомиллаштириш мақсадида сув хўжалиги харажатларини молиялаштириш амалиётида республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар иштирокини замон талабига мослаш лозим. Ушбу мақсадда қуйидаги ёндошувни асослаш мумкин:

➤ маҳаллий хусусиятга эга бўлган харажатларни, жумладан, тўғонларни мустаҳкамлаш, суғориш, коллектор-дренаж тизимларини тозалаш, шўр босган ерларни ювиш харажатлари маҳаллий бюджетларга бириктирилиши лозим;

➤ капитал хусусиятга эга бўлган харажатлар, ирригация тизими жойлашуви ва капитал таъмирлашга катта ҳажмдаги молиявий ресурслар талаб қилинганлиги туфайли, республика бюджетига бириктирилмоғи зарур.

Сув хўжалиги харажатларини маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириш тегишли даромад базасини ҳам талаб этади. Субвенция олувчи ҳудудлар учун солиқ тушумлари ҳисобига қўшимча даромад топиш жуда мушкул, чунки бусиз ҳам ушбу ҳудудларда йиғилаётган солиқларнинг 100 %и улар ихтиёрида қолаётир. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, яқин истиқболда ушбу ҳудудларда даромад базасини мустаҳкамлаш фақатгина мақсадли субвенциялар ҳисобидагина таъминланиши мумкин, кейинчалик эса, маҳаллий бюджетлар даромад базаси ортиши шароитида уларнинг даромад манбаига таянибгина сув хўжалиги харажатларини бириктириш мумкин бўлади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитларида маҳаллий бюджетлар ўзининг муҳим ролини сақлаб қолади. Бунда фақат маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришнинг янгича тартиби билан ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш усулларигина ўзгаради. Бугунги кунда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожланиши бюджетдан молиялаштириш ва дотациялар бериш усуллари билан эмас, балки иқтисодиётни молиявий тартибга солишга ўтишга имкон берувчи иқтисодий усуллар ёрдамида таъминланади. Маҳаллий бюджет маблағлари асосан аҳолининг заиф ва ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашга, ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга ҳамда давлатимизнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишга йўналтирилиши керакдир.

Ижтимоий ислохотларнинг ҳозирги босқичида социал соҳага ажратилаётган сарф-харажатларнинг самарадорлигини янада ошириш талаб этилмоқда. Бунда асосий эътибор социал инфраструктурага йўналтирилаётган харажатлардан олинган натижага қаратилиши лозим.

1997 йилда республикада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан жаҳон талабига жавоб бера оладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда мамлакатнинг кележақдаги пойдеворини яратиш масалалари ҳозирги шароитда устивор йўналишлардан бирига айланди. Мана шу муаммоларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг бюджетидан ушбу соҳани молиялаштириш учун кўзда тутилган харажатлари миқдори ва улуши юқори бўлмоқда. Республикада соғлом авлодни шакллантириш ва уларнинг бақувват, соғ-саломат бўлишларини таъминлаш ҳам мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллатнинг саломатлиги соғлиқни сақлашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлмасада, соғлиқни сақлаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун бу

соҳага сарфланадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-10 фоизни ташкил этиши лозимлиги умумий равишда тан олинган. Бизда эса бу кўрсаткич бундай талабларга мувофиқ эмаслиги кузатилмоқда. Албатта, бу жараёни тўхтатиш ва ушбу соҳани ривожлантиришда маҳаллий бюджет харажатларидан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш лозим. Бундай йўналишлар сифатида турли касалликлар билан касалланиш хавфини олишга қаратилган аниқ тиббий хизматлар кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, соғлом атроф муҳитни сақлашга кўмаклашувчи турли тадбирларни асосан бюджет ҳисобидан молиялаштириш, касални даволашга эмас, балки касалликни олдини олишга эътиборни кучайтириш лозим. Бундан ташқари аҳолига тиббий маслаҳат ва санитария-ўқув ишларини пуллик хизматга ўтказиш ҳамда мажбурийлик принциpga асосланган тиббий суғурта тизимини яратиш ва шу орқали соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш бу соҳага йўналтирилаётган маблағларни янада мақсадли ишлатишга олиб келади. Бу эса давлат томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджетлардаги харажатларда ижтимоий-маданий соҳа объектларига харажатлар жуда юқоридир. Масалан, бошланғич ва ўрта мактабларда бюджетдан харажатлар Германияда барча харажатларнинг 1/4 қисмини, Япония ва Францияда 1/3 қисмидан кўпроғини, Буюк Британия ва АҚШда 40 фоиздан ортигини маҳаллий бюджетдан, шунингдек соғлиқни сақлаш ҳам молиялаштирилади. Масалан, бу соҳа учун харажатлар Финляндия, Швеция ва Норвегияда бутун бюджет харажатларининг 50 фоиздан ортигини ташкил этади. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларнинг фикрича, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбат қуйидагича бўлгани афзал давлат бюджети - 60 фоиз, тиббий суғурта - 30 фоиз, пуллик хизматлар - 10 фоиз.

Республикамизда ҳам ушбу ўлчовларга яқинлашиб бориш, яъни ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришда давлатнинг ролини сақланишига интилиш керак чунки бу бевосита мамлакатда камбағалликни қисқартиришга ва кам даромадли аҳолини ижтимоий-маданий соҳа хизматлари билан таъминлашга, умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган баъзи тадбирларни самарали ҳал этишга имкон беради. Масалан, турли касалликларни тарқалишини олдини олиш ва уларга қарши курашиш ва бошқа кабилардир. Ўзбекистовда ҳам бу соҳаларни ривожлантиришнинг йўналишлари белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Маҳаллий бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳамда бюджет интизомии мустаҳкамлаш борасида 2003 йил 11 февралда қабул қилинган

Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қатъий аҳамиятга эгадир. Бюджет маблағларининг белгиланган тартибда сарфланиши, улардан мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида бюджет жараёнининг барча босқичларидаги интизом мустаҳдамланди, айниқса жойлардаги ишлар фаоллашиб, уларнинг самарадорлиги янада ошди. Биргина давлат ва бошқарув органлари харажатларининг камайтирилиши ва бюджет муассасаларига хизмат кўрсатувчи енгил автомобиллар паркиннинг 55 фоизга қисқартирилиши республика бўйича 3.3 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағларини тежаш имкониятини берди.

2.2. Маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам бюджет, давлат ҳокимияти сиёсатини кўрсатувчи восита бўлиб, унинг ижро жараёни давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тавсифлайди. Бюджет ижросининг халқаро тажрибаси шуни тасдиқлайдики, бюджет ижросининг самарали тизими ушбу маблағлар самарадорлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга ривожланган давлатларнинг бюджет сиёсати соҳасидаги тажрибаси, бюджет ижросининг самарадорлигини таъминлашда ғазначилик тизими муқобилсиз йўналиш эканлигини кўрсатмоқда. Бюджет ижросининг назоратини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича эса ривожланган давлатлар мисолида қуйидагича мулоҳазаларни айтиб ўтишимиз лозим.

Ривожланган давлатларда Бюджет назорати жумладан, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония Америка Қушма Штатлари, ва Япония давлатларида ҳамда Россия Федерациясида бюджет назоратини қай тарзда амалга оширилишини таҳлил қилиб урганиб курганимизда, юқоридаги мамлакатларда давлат бюджети ижроси юзасидан бюджет назорати 3 погонали назорат тизими асосида олиб борилишини кураимиз,

1 .погона-вазирликлар, бюджет муассасаларининг ички аудити;

2.погона-Молия вазирликлари назоратчилари, ҳазиначилик аудиторлари,

3.погона-Мустақил Давлат молия назорати тизими, ҳисоб палаталари.

Албатта, юқорида санаб утилган давлатларда ҳазиначилик тизими йўлга қўйилган. Давлат бюджетининг касса ижросини Марказий Банклар эмас, ғазначилик хизмати (Казначейство) амалга оширади. Яъни, бюджет муассасаларини бюджет маблағлари билан молиялаштириш даврида ғазначилик хизмати томонидан амалга оширилатган харажатларини қонунийлиги, тугрилиги юзасидан дастлабки назоратни амалга оширади.

Ғазначилик доимий равишда бюджет маблағларини харажат қилишда, барча бюджет погоналарида бюджет ижроси устидан назорат олиб боради. Факат шу йул билангина давлат молиясини бирлигини ва ундан самарали фойдаланишни таъминлашга эришилади.

Ғазначилик хизмати, давлат маблағларини касса харажатини кузатиб туради, ва улардан самарали фойдаланиш, мақсадли ишлатилишини таъминлайди, молия интизомини бузувчиларни аниклайди, энг асосийси бюджет интизомини бузилишини бартараф этади.

Ғазначилик тизимини жорий этилиши авваламбор қуйидаги талабларни амалга оширишни талаб қилади:

- марказлашган тартибда тўловлар ҳисобини, тегишли бюджет бухгалтерия ҳисобини юритувчи, бюджет ҳисоботини тузувчи ва бюджет маблағларини бошқарувчи органни ташкил этишни;

- молиявий маблағларни Марказий банкдаги ягона бюджет ҳисобида («ғазна ҳисобида») йиғишни;

- бюджет ижросини таъминлаш жараёнидаги операцияларни амалга ошириш ва уларни тегишли бюджетлар бўйича марказлашган тартибда ғазначилик бош китобида ҳисобини юритишни таъминловчи замонавий технологияларни жорий этиш;

- бюджетнинг нақд маблағларини бошқариш ва режалаштириш жараёнларини қўллашни.

Бюджетнинг ғазначилик ижроси кассанинг ягоналигига асосланади. Кассанинг ягоналик тамойили бюджетнинг касса ижросини таъминловчи орган, банк муассасида ягона ҳисоб рақами очади ва бу ҳисоб рақамига бюджетга тушиши белгиланган барча даромадлар, бюджет такчиллигини молиялаштириш бўйича белгиланган манбалардан тушган маблағлар йиғилади ҳамда бюджетда белгиланган барча харажатлар ушбу ҳисоб рақами орқали амалга оширилади. Ғазначилик органлари бюджет маблағларини тақсимловчи ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначиси (кассири) ҳисобланади ва бюджет муассасаларининг топшириғига асосан бюджет маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширади. Тегишли бюджетларнинг маблағ ва операциялари ғазначиликнинг баланс ҳисоб рақамларида акс этади. Бунда, ғазначиликнинг баланс ҳисоб рақамини четлаган ҳолда ҳар қандай операцияларни амалга ошириш тақиқланади. Бу эса бюджет ташкилотларининг кредит ташкилотлари ва банк муассасаларидаги ҳисоб рақамларини ёпган ҳолда, ғазначиликда лицевой ҳисобларини очишни талаб қилади. Бюджет ташкилотларининг ғазначиликда очилган ҳисоб рақамларида, бюджет мажбуриятларининг лимитлари, олинган молиявий маблағ ва касса харажати акс этиши лозим.

Ғазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-бюджетдан маблағ олувчиларни маблағларни мақсадли фойдаланишини дастлабки ва жорий назорат қилиш ҳамда ғазначилик ҳисобидаги маблағларни бошқариш;

-давлат молиявий маблағлари ҳажмини қисқа муддатда прогнозлаштириш;

-давлат молиясининг ҳолати ҳақидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ҳамда тегишли ижро ва вакиллик органларига бюджет операциялари ҳақида маълумотларни тақдим этиш;

-бюджет ижросини таъминловчи ва бюджетдан маблағ олувчи органлар томонидан бюджет ижросини таъминлаш бўйича ҳисоб операцияларини юритиш юзасидан меъёрий ва инструкторив хужжатларни ишлаб чиқиш;

Ғазначилик тизимини жорий этилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

-бюджет ижроси ҳақидаги ахборот актуаллашади, чунки ҳар қандай пул оқимлари ғазначиликда рўйхатдан ўтади; пул маблағларини рўйхатга олиш ва амалда сарфлаш мумкин бўлган вақтлар ўртасидаги фарқ анчага камаяди;

-маблағларнинг сақланиши таъминланади;

-бюджет ижроси жараёнининг барча босқичларида (маблағларни ажратишдан тортиб касса ҳаражатиғача бўлган даврда) назорат қилиш имконияти кучаяди;

-бюджет ижроси жараёнларини бошқариш ва ресурсларни бошқариш самарадорлиги ошади;

Ғазначилик органлари ўз фаолиятлари давомида доимий равишда давлат молиясининг ҳисоби ҳолатига, бюджет қонунчилигига риоя этилишига, молиявий ресурсларни самарали бошқариш масалаларига эътибор беришлари лозим.

Ғазначилик тизимида ҳисоб масаласининг биринчи вазифа килиб қуйилиши албатта тасодифан эмас. Самарали ҳисоб тизими нафақат назорат учун қулай имконият яратади, балки биринчи навбатда давлат молиявий ресурсларининг ҳолати ҳақида объектив информация олиш имкониятини беради. Бу эса давлат бошқарув органлари томонидан солиқ ва бюджет сиёсати соҳасида оптимал қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

Ушбу концепция асосида амал киладиган ягона ғазначилик ҳисоби (ЯГХ), республика ғазначилигининг ҳисоб рақами ҳисобланади ва унда республика бюджетининг барча маблағлари йиғилади ва давлат бошқарув органларининг бюджет ижросини таъминлаш бўйича барча операциялари акс этади.

ЯГХни жорий этиш асосида ғазначилик тизими органларининг фаолият кўрсатиши, бюджет ижросини таъминлашнинг бутунлай янги тартиби ҳисобланади ва бунда асосий ҳолатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- бюджет маблағларини ЯГХда марказлашган ҳолда йиғилиши;

- турли бўғинлардаги бюджетлар даромадларини ҳисобини юритишни ягона ҳисобда марказлашган тартибини жорий этилиши;

- ғазначиликнинг Бош китобида бюджет даромадлари ва ҳаражатлари билан боғлиқ операцияларнинг ҳар кунлик акс этиши;

ЯГХни жорий этиш, бюджет муассасаларига кредит ташкилотларида ҳисоб рақамлар очишга йўл бермайди, улар фақат ғазначилик ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

ЯГХни амал қилишининг бюджет жараёнлари учун аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетига тушган даромадлар ҳақидаги маълумотларни объективлиги ошиши билан, ушбу информациянинг актуаллиги ошади;

Худудлардан тушаётган солик ва йигимларнинг миқдори ҳамда турли бўғинлардаги бюджетларга беркитилган даромадлар ҳисобидан берилаётган ажратмаларнинг миқдори туғрисидаги маълумотларни олиш имконияти кенгаяди;

Республика ҳукумати бюджет маблағларининг ҳаракати туғрисида кунлик маълумотларни, жумладан, уларнинг ҳаражатлари ҳақидаги маълумотларни ҳам олиш имкониятига эга бўлади ва натижада бюджет жараёнларининг ошқоралиги ошади;

Олинган маълумотлар асосида ҳукуматнинг давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш имконияти ошади. Бюджет маблағлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, етишмаётган маблағлар учун молия бозорлари орқали қўшимча ресурсларни жалб этиш заруратини камайтиради ва бунинг натижасида олинган карзлар учун тўланадиган ҳаражатлар камаяди;

Давлат сектори орқали бўладиган ҳисоб китоблар тезлиги ошади ва бу ушбу сектордаги ўзаро тўловлар ҳолатини яхшилаш имконини беради. Бу эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам ҳозирги вақтда муҳим ҳисобланади.

ЯГХни жорий этишнинг юқорида кўрсатилган барча ижобий томонлари, бюджет маблағларида мақсадли фойдаланилиши юзасидан, дастлабки ва жорий назоратини таъминлаш билан биргаликда, бюджет жараёнининг барча қатнашчилари томонидан ушбу маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳолатини яхшилаш бўйича реал имкониятларини оширади.

Ғазначилик Марказий банкдан, банк тизимидан ёки хусусий сектордан маблағларни қарзга олиш ҳажмларини жуда камайтириш имконини беради. Бундан ташқари ривожланган молия тизимини шакллантиришда давлатнинг молиявий ресурслари билимдонлик билан бошқарилишини ва бюджет узлуксиз ижро этилишини, шунингдек, бюджет маблағларининг олувчилар томонидан мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш зарур.

Ғазначилик анча кенг қамровли ва самарали бюджет назорати ва текшируви тизимини таъминлайди.

Ғазначилик тизими самарали ишлаб туриши учун, биринчидан, асос бўладиган ҳужжат- мамлакатнинг барча йўналишлар бўйича харажатлар батафсил ажратиб чиқилган режани ўз ичига олган сифатли бюджетидир. Шунини таъкидлаш зарурки, мамлакат бюджети бюджет йили бошлангунга қадар имкони борица батафсил ҳолда қабул қилиниши керак. Акс ҳолда, ғазначиликнинг меъёрий фаолияти беқарорлашуви, унинг самарадорлиги пасайиши мумкин.

Иккинчидан, давлат бюджетини ижро этимшнинг ғазначилик тизимида бюджетнинг вазифасига оид ва иқтисодий аниқтаснифи бўлиши зарур. Бу талаб қилинадиган фискал очиқ- ойдинликни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистонда ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича маслаҳатчилар ва Молия вазирлигининг ходимларининг ишчи гуруҳи 1998 йилдан бошлаб, ўз ишларини кучайтирдилар. Жойларга бориб Россия Федерациясининг ғазначилик тизими ҳамда бухгалтерия ва ғазначиликда ҳисоб- китобни юритиш ишлари ўрганилди. Келажакда Ўзбекистонда ҳам ғазначилик тизимининг жорий этилиши, ҳисоб – китоблар назоратининг ва бюджет фондлари ишлатилишининг янада яхшиланиши ҳамда бюджет даромадлари классификациясининг такомиллаштирилиши кутилмоқда.¹

Умуман олганда ғазначилик тизимига ўтишни тезроқ жорий этишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат;- бюджетнинг мақсадли ва самарали ижро этилиши устидан муттасил ҳамда самарали назорат қилиб борилишини таъминлаш имкониятини беради деб ҳисоблаймиз. Жумладан молия тизимини шакллантиришда давлатнинг молиявий ресурслари билимдонлик билан бошқарилишини ва бюджет узлуксиз ижро этилишини, шунингдек, бюджет маблағларининг олувчилар томонидан мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш зарур.

Агар давлат маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш улар ажратилганидан кейингина бошланса, давлат бюджети кўп нарсани бой беради. Кейинги молиявий назоратнинг самарасизлиги шундаки, унинг

¹ Р. Номозов «Ғазначилик тизими роли тугрисида» Бозор Пул Кредит. 2001 йил 3-4 сон.

хулосалари бюджетдан маблағ олувчи ўзига ажратилган маблағларни амалда сарфлаб бўлганидан сўнг чиқарилади. Ваҳоланки жорий назоратни, яъни бюджет маблағлари ўзлаштирилиши жараёнининг ўзи назорат қилинишини таъминлаш муҳимдир.

Ғазначилик анча кенг қамровли ва самарали бюджет назорати ва текшируви тизимини таъминлайди; у хужжатлар тўпламини тайёрлаш босқичидаги назоратини; дастлабки ва маблағлар ажратилиши босқичидаги назоратни; ғазначилик муассасасида очилган шахсий ҳисоб варақлар орқали бюджетдан молиялаш технологиясига киритилган жорий назоратни ўз ичига олади. Кунлик муҳим маълумотларни ўз вақтида олишни, давлат бюджетини самарали назорат қилиш ва унинг тақчиллигини бошқариш таъминланади.

Хуллас, бюджет ижросининг халқаро тажрибаси шуни тасдиқлайдики, бюджет ижросининг самарали тизими ушбу маблағлар самарадорлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга ривожланган давлатларнинг бюджет сиёсати соҳасидаги тажрибаси, бюджет ижросининг самарадорлигини таъминлашда ғазначилик тизими муқобилсиз йўналиш эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан олинган маълумотлар бўйича, ҳозирги вақтда Молия вазирлиги Жаҳон банки билан ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича лойиҳа тузиш тўғрисида музокаралар олиб бормоқда.

Бюджетнинг ғазначилик ижроси кассанинг ягоналигига асосланади. Кассанинг ягоналик тамойили бюджетнинг касса ижросини таъминловчи орган, банк муассасида ягона ҳисоб рақами очади ва бу ҳисоб рақамига бюджетга тушиши белгиланган барча даромадлар, бюджет тақчиллигини молиялаштириш бўйича белгиланган манбалардан тушган маблағлар йиғилади ҳамда бюджетда белгиланган барча ҳаражатлар ушбу ҳисоб рақами орқали амалга оширилади. ғазначилик органлари бюджет маблағларини тақсимловчи ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначиси (кассири) ҳисобланади ва бюджет муассасаларининг топшириғига асосан бюджет маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга оширади. Тегишли бюджетларнинг маблағ ва операциялари ғазначиликнинг баланс ҳисоб рақамларида акс этади.

Ушбу концепция асосида амал қиладиган ягона ғазначилик ҳисоби (ЯГХ), республика ғазначилигиёнг ҳисоб рақами ҳисобланади ва унда республика бюджетининг барча маблағлари йиғилади ва давлат бошқарув органларининг бюджет ижросини таъминлаш бўйича барча операциялари акс этади.

ЯГХни жорий этиш асосида ғазначилик тизими органларининг фаолият кўрсатиши, бюджет ижросини таъминлашнинг бутунлай янги тартиби ҳисобланади

ЯГХни жорий этишнинг барча ижобий томонлари, бюджет маблағларини мақсадли фойдаланилиши юзасидан, дастлабки ва жорий назоратини таъминлаш билан биргаликда, бюджет жараёнининг барча қатнашчилари томонидан ушбу маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳолатини яхшилаш бўйича реал имкониятларини оширади.

Бизнинг фикримизча юқорида кўрсатилган тадбирларнинг амалга оширилиши бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадолигини оширишда муҳим аҳамият касб этади ва келажакда бюджет тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида қўлланиши мумкин

2.3. Маҳаллий бюджетларни бошқаришни такомиллаштириш.

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2013 йил прогноз кўрсаткичлари ижроси дастлабки маълумотларга кўра, даромадлар бўйича 104,6 фоизга вилоятнинг шаҳар ва барча туманлари кесимида бажарилган. Шунингдек, харажатлар режаси Республика Молия вазирлигидан олинган 77585 млн.сўмлик дотация ва 121015 млн.сўмлик субвенция эвазига 100,1 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда назоратдаги 7 та солиқ тури барчаси бажарилган бўлиб, фақат ягона ер солиғи 1642.3 млн.сўмга ёки режа 87 фоизга бажарилди. Кам маблағ ундирилишининг сабаби йил давомида транш маблағлари мақсадли (химия, МТП, уруғлик, кредит, пенсия) йўналтирилгани ҳамда 2013 йил 4-чоракда фермер хўжаликларига 2013 йил пахта ҳосили ҳақдорлиги ҳисобидан махсус транш маблағлари ажратилмаганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2013 йиллик харажатлар режаси дастлабки маълумотларга кўра, 100,1 фоизга бажарилган. Бироқ, халқ таълим, кадрлар тайёрлаш, солиқни сақлаш ва ижтимоий– маданий тадбирларга йиллик харажатлар режасига нисбатан кам харажатлар амалга оширилган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2013 йил давомида жами 18948.5 млн.сўм. Жумладан, 38 та янги корхоналар ташкил этиш ҳисобига 1302.6 млн.сўм, 42 та мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва фаолиятини қайта йўлга қўйиш ҳисобига 13911.0 млн.сўм, 5 та фаолиятини қайтадан тиклаган корхоналар ҳисобидан 746, млн.сўм ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ташкил этилиши, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, фермерлар хўжаликларига берилган имтиёзларнинг

муддати тугаши, боқиманда қарздорликни ундириш ва бошқа объектларни фойдаланишга топшириш ҳисобига жами 5649,8 млн.сўм маблағлар маҳаллий бюджетларга қўшимча даромад туширилган.

Солиқ ҳисоблаш тизими ҳамда ҳисоботларни қисқартириш бўйича қабул қилинган қарорлар вилоятда ўтган жорий йилда солиқ тўловчилар сонини 30672 тадан 30982 тагача оширилиши ва солиқ базасини кенгайтишига омил бўлди.

Юқоридаги меъзонлар маҳаллий бюджет даромадларига қўшимча маблағ тушириш ва дотация даражасини пасайтириш имконини бермоқда.

Қуйидаги жадвалда Наманган вилояти маҳаллий бюджетларининг даромадларининг белгиланган прогнозлари ва уларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики вилоятда барча туманларда бюджетнинг даромад қисми ортиғи билан бажарилган. Бюджет даромадларининг бажарилиши бўйича Наманган шаҳри етакчи ўринни эгалламоқда. Наманган шаҳри бўйича бюджет даромадларининг бажарилиш кўрсаткич белгиланган прогноз режадан 5,1 фоизга ортиғи билан уддаланган. Бюджет даромадларини бажарилиши бўйича Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларининг даромадлари ҳам қолган туманларга нисбатан биров ижобий кўриниш олган. Ушбу туманларда бюджет даромадлари бўйича режа мос равишда 4,5 ва 2,5 фоизга ортиғи билан бажарилган. Вилоятнинг бошқа туманларида ушбу кўрсаткичнинг бажарилиши у қадар юқори эмас. Жадвал маълумотларига таянган ҳолда вилоят ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига маълум бир баҳо бериш имкони туғилади. Наманган шаҳрида саноат корхоналарининг бошқаларга нисбатан кўплиги ва аҳолининг зич жойлашуви натижасида шаҳар маҳаллий бюджетига бўлган тушумлар миқдори вилоятнинг бошқа ҳудудларига нисбатан сезиларли даражада юқори. Вилоятнинг бюджет даромадларининг катта қисми Наманган шаҳар ва вилоят бюджетининг даромадлари ҳисобига тўғри келмоқда. Ушбу даромадалар вилоят бюджетининг 42,6 фоизини ташкил этмоқда. Вилоят бюджетига ҳисса бўйича Учқўрғон 7,9 фоиз, Поп 7,0 фоиз ҳамда Наманган тумани 6,9 фоиз улушга эга. Демак ушбу туманларда бошқаларга нисбатан иқтисодий ўсиш суръатларига биров юқори.

**Наманган вилояти маҳаллий бюджети даромад қисмининг 2013 йилдаги ижроси
тўғрисида**

(маблаг млн сўмда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	2013 йил учун тасдиқланган бюджет параметрлари бўйича даромад режаси	жумладан, 2013 йилда		
			ҳақиқатда	фарқи	
				сумма (+ : -)	%
1	Наманган шаҳар	28 788,7	30 247,2	1 458,5	105,1
2	Мингбулоқ тумани	4 354,0	4 401,6	47,5	101,1
3	Косонсой тумани	5 294,4	5 351,0	56,6	101,1
4	Наманган тумани	8 686,8	8 749,9	63,0	100,7
5	Норин тумани	4 112,6	4 153,6	41,0	101,0
6	Поп тумани	8 857,1	8 920,5	63,4	100,7
7	Тўрақўрғон тумани	7 460,0	7 516,3	56,3	100,8
8	Уйчи тумани	5 571,7	5 633,2	61,4	101,1
9	Учқўрғон тумани	9 895,0	10 034,0	139,0	101,4
10	Чортоқ тумани	5 035,8	5 264,6	228,8	104,5
11	Чуст тумани	6 680,5	6 742,1	61,5	100,9
12	Янгиқўрғон тумани	5 622,5	5 765,0	142,5	102,5
13	Вилоят бюджети	24 392,6	27 680,8	3 288,2	113,5
	Жами	124 751,8	130 459,5	5 707,7	104,6

Маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган маблағлар аввало биринчи даражали харажатлар, яъни иш ҳақи, иш ҳақига ажратмалар, барча турдаги нафақалар ҳамда стипендия тўловларини молиялаштиришга йўналтирилган. Вилоят маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларга молиялаштирилган маблағлар 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига шаҳар ва барча туманлар бўйича тўлиқ нақд пул билан таъминланган.

Бугунги кунда вилоят ва унинг бир қатор туман бюджетлари республика бюджетидан қопланиши ҳисобига шаклланмоқда. Шу нуқтаи назардан вилоятда 2008-2010 йилларда шаҳар ва туманларга ажратиладиган дотация миқдорини камайтириш мақсадида вилоят ҳокими томонидан дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ва уни бажариш бўйича жойларда тегишли чоралар кўрилган.

**Наманган вилояти маҳаллий бюджети харажат қисмининг 2013 йил якуни ижроси
тўғрисида**

(маблаг млн сумда)

№	Шаҳар ва туманлар номи	2013 йил учун тасдиқланган бюджет параметрлари бўйича маҳаллий бюджет харажат					
		Тасдиқланган режаси	шундан, дотация улуши		хакикият да	шундан, дотация улуши	
			сумма	фоиз		сумма	фоиз
1	Наманган шаҳар	41 404,0	0,0	0,0	43 478,9	0,0	0,0
2	Мингбулоқ тумани	13 140,8	4 934,3	37,5	13 781,5	4 934,3	35,8
3	Косонсой тумани	16 978,2	4 992,6	29,4	17 255,9	4 992,6	28,9
4	Наманган тумани	16 564,1	2 058,0	12,4	18 199,8	2 058,0	11,3
5	Норин тумани	15 469,2	6 446,6	41,7	16 284,1	6 446,6	39,6
6	Поп тумани	18 195,6	0,0	0,0	19 305,1	0,0	0,0
7	Тўрақўрғон тумани	18 041,0	3 875,0	21,5	17 705,6	3 875,0	19,6
8	Уйчи тумани	18 903,0	5 595,0	29,6	19 923,8	5 595,0	28,0
9	Учқўрғон тумани	17 491,5	0,0	0,0	19 013,5	0,0	0,0
10	Чортоқ тумани	15 754,0	6 088,7	38,6	20 707,3	6 088,7	35,0
11	Чуст тумани	22 153,9	7 265,2	32,8	24 657,0	7 265,2	31,3
12	Янгиқўрғон тумани	18 381,4	6 254,8	34,0	20 918,3	6 254,8	31,3
13	Вилоят бюджети	93 405,4	30 075,5	32,2	97 757,7	30 075,5	30,8
	Жами	325 882,0	77 585,7	23,8	348 988,4	77 585,7	22,2

Бозор муносабатлари ривожланган сари давлат томонидан молиялаштиришнинг роли ошиб бормоқда. Хозирги вақтда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, трансфертларнинг асослигини кучайтириш, бюджетдан ташқари манбааларни, ижтимоий соҳанинг ўзи ишлаб топаётган маблағларини, фуқароларнинг пул даромадларини фаолроқ жалб этиш вазифаси олдинги ўринга қўйилди. Ижтимоий соҳанинг таркибини қайта қуришни жадаллаштиришга, унинг қисман ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши учун шароит яратишга қаратилган бир туркум чора-тадбирлар қўрилди. Шу билан бирга фуқароларнинг таълим олиши, саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маданий ривожланиш борасидаги конституциявий кафолатларини таъминлашга, ижтимоий-маданий соҳа муассасалари хизматидан эркин фойдаланишга қаратилган йўл саклаб қолинди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётни бозорга мослаб ўзгартириш оқибатларини юмшатишга катта ёрдам берди. Таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданиятни ўз ичига қамраб оладиган ижтимоий соҳа давлат бюджети харажатларининг катта моддасидир ва улар ижтимоий-маданий тадбирлар учун харажатлар ҳисобланади.

Маҳаллий молия органлари олдида турган муаммолардан бири оналардан тушган бадаллардир. Худудлардаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида озик-овқат харажатлари учун маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ташқари мактабгача ёшдаги болалар муассасаларда тарбияланувчи болаларнинг ота оналаридан тушган тўловлар ҳам сарфланмоқда.

Барча даражадаги бюджетлар ижроси давлат ҳокимият органларининг мунтазам назорати остида бўлади. Бюджет ижроси устидан назорат олиб бориш тартиби ва ташкилий қўринишлари тегишли давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқий актлари билан белгиланади.

Ўзбекистоннинг бюджет қонунчилиги қуйи органлар бюджет фаолиятига юқори арилишувини тақиқлайди. Шу билан бирга юқори органлар қонунда бевосита кўзда тутилган ҳолларда қуйи органлар ўзларига юқори турувчи бюджетдан ажратилган маблағлар (субвенциялар) дан тўғри фойдаланаётганлигини назорат қиладилар.

Бюджетлар ижроси бюджет жараёнининг охирги босқичи бўлиб, унда даромадлар ҳамда харажатлар бўйича барча кўрсаткичларнинг амалга оширилиши таъминланади. қонунчиликка кўра бюджет ижросини таъминлаш вазифаси ҳокимиятнинг тегишли органлари зиммасига юклатилган.

Бюджетлар ижросини амалга оширилишида у ёки бу даражада барча марказий ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар иштирок этадилар.

Аммо бюджет ижросини таъминлаш бевосита солиқ, молия органлари ҳамда кредит муассасалари зиммасига юклатилган бўлиб, жумладан солиқ хизмати органлари бюджетларнинг даромад қисмларининг ижро этилишини таъминлайдилар. Ана шу мақсадда солиқ инспекциялари юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ҳамда носолиқ тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, даромадларни тўғри ва ўз вақтида ҳисобга олиб борилиши устидан назорат олиб борадилар. Уларга ушбу вазифаларини бажаришлари учун зарур ваколатлар бериб қўйилган.

Бюджетлар ижросининг амалга оширилишида молия органлари муҳим ўрин тутадилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва бошқа молия органлари белгиланган тартибда марказий ва маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлайдилар. Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан бюджетларга тузатишлар киритадилар, бюджетлар ижроси устидан назорат қиладилар. Республика бюджетидан ажратилган маблағлардан тўғри ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланилаётганлигини кузатиб борадилар. Республика бюджети ва жамлама (консолидацияланган) бюджетлар ижроси ҳақида ҳисоботларни тайёрлайдилар ва уни ҳукуматга тақдим этадилар. Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари ўзларига юклатилган назорат функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни, бухгалтерия ҳисоботларини талаб қилиб олишга ҳақли бўладилар.

Бюджетларнинг харажат қисмини ижро этиш бюджет ҳисобидан муайян маблағларнинг ажратилиши билан боғлиқ булади. Бюджетни ижро этиш жараёнида унинг ҳисобидан у ёки бу харажатларни қоплаш мақсадида маблағ ажратилиши бюджет кредити деб юритилади. Бюджет кредити вазирликлар, идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотларга ажратилади. Бюджет кредити тегишли муассаса ва ташкилот раҳбари (кредит тақсимловчи) ихтиёрига келиб тушгандан сўнг улар ўзларига ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ ва тасдиқланган смета доирасида фойдаланишлари лозим. Акс ҳолда бюджет маблағларидан фойдаланиш пайтида йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун кредит тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра жавоб берадилар.

Юқорида таъкидланганидек, бюджет ижросининг амалга оширилиши устидан назорат қилиш Республика Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига юклатилган бўлиб, Молия Вазирлигининг асосий вазифаси - ҳукумат бюджетини тайёрлаш ва уни инфляциясиз молиялашдан иборатдир.

Ушбу вазифа қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- мамлакат бюджетни тайёрлаш;
- бюджетнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқланиши;
- бюджет ижросини молиялаш;
- харажатларни назорат қилиш.

Асосий вазифани ҳал қилишни кенгроқ маънода оладиган бўлсак, молия тизими, солиқ, монополияга қарши ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, ишлаб чиқариш самарадорлиги, миллий даромаднинг ўсиши, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишини таъминлашга, молия-кредит дастакларининг хўжалик механизмидаги бошқа унсур(элемент)лар билан алоқасини мустаҳкамлашга фаол таъсир кўрсатишини назарда тутди.

Ушбу босқичлардан харажатларни назорат қилиш бўйича вазифаси бевосита Молия Вазирлигининг назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармаларига юклатилган бўлиб, давлат маблағларининг айрим жойларда бошқа мақсадларга харажат қилинганлиги, ажратилган маблағлар эвазига олинган моддий-товар бойликларини ўзлаштириб, улар ҳисобидан камомадлар содир этилиши ва шунга ўхшаш бир қанча хато-камчиликларни аниқлашда шу бошқарманинг амалга ошираётган ишлари катта аҳамиятга эгадир.

2002 йилнинг 15 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 393-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг назорат-тафтиш Бош бошқармаси тўғрисида"ги Низомда шу Бош бошқарма ва унинг жойлардаги бошқармаларининг асосий вазифаси этиб, давлат томонидан ажратилган бюджет маблағларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлиги устидан молиявий назорат ишларини ташкил этиш ва уни амалга ошириш белгиланган.

3-боб. Мавзуни ўқитишда мустақил ишни ташкил этиш методикаси

3.1. Мавзуни ўқитиш методикаси

Ўқитиш жараёни босқичларини муайян кетма-кетликда қуриш ўқувчи (талаба)ларнинг билиш фаолиятини мавзу бўйича белгиланган мақсадларга мос ҳолда танланган *ўқитиш методлари* ёрдамида ташкил этиш демакдир. Ўқитиш методлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра маълум педагогик назарияга асосланган у ёки бу таснифга тегишли бўлади. Уларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда ўқитиш жараёнини изга соладиган ва уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)нинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш асосида жамият томонидан мактаб (касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юртлари) олдига қўйилаётган мақсадга нечоғлик эришилаётганини кўзда тутиш керак. Ёхуд ўқитиш методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепциядир. Ўқитиш методи дастлаб педагог онгида фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади. Бу лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг ўзаро туташуви текислигида, ўқитиш ва ўқишнинг аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади.

Педагогик нашрларда ўқитиш методларини фаол ва суёт гуруҳларга ажратиш ҳоллари мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган у ёки бу мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, шубҳасиз, фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам дарсда ўқувчи (талаба)лар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади.

“Ақлий ҳужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак,

“ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- “ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

ВАЗИФАСИ. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади.

ОБЪЕКТИ. қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Мунозара методи ёрдамида ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзунини ўқувчилар аёвсиз “штурм” қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар

Мунозарани ўтказиш методикаси.

1. Мунозара олиб боровчи - бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва ҳоказо) мавзунини олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга “ақлий ҳужум” топшириғини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради:

- “ҳужум”дан мақсад - муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

- ўз ақл-идрокинғизини марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диққатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бири рад этилмайди;

- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг;

- таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.

3. Бошловчи котибини тайинлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чиқувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилди. Агар бирор бир киши томонидан “ақлий ҳужум”ни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури “чархланиши” учун қисқача танаффус эълон қилади. Кейин иккинчи босқич бошланади. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари гуруҳланади ва биринчи босқичда билдирган ғояларини мустаҳкамлайдилар. ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришдилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозарага якун ясайди.

Кичик гуруҳларда ишлаш ўқувчиларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

ҚЎЛЛАНИШ УСУЛИ.

1. ФАОЛИЯТНИ ТАНЛАШ. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада ўқувчилар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. ЗАРУРИЙ АСОС ЯРАТИШ. ўқувчилар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. ГУРУҲНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 ўқувчи бўлади, (эҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, синфдаги ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетероген” гуруҳ ташкил этишидир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. (Мисол учун, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Синфни гуруҳларга ажратиш, ҳоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. АНИҚ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР КўРСАТИШ. ўқувчиларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. ўқувчилар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ВА ЙўНАЛТИРИШ. ўқитувчи зарурат туғилса гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъзийқ ўтказилмайди.

6. МУҲОКАМА қИЛИШ ВА БАҲОЛАШ. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилди. Муҳими, гуруҳнинг ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишди. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

“Кичик гуруҳларда босма материаллар билан ишлаш”.

Кичик гуруҳларда ишлашнинг яна бир самарали методи - бу нашр қилинган материаллар билан ишлаш ҳисобланади. ўқувчиларнинг зарурий

ахборотларни излаб топишлари учун, назарий билимларни мустаҳкамлаш ёки таснифлашлари учун, назарий материалларни чуқур англаб олишлари учун бу методдан фойдаланиш яхши самара беради. Синф 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳ бир хил ёки турлича мазмундаги топшириқлар, газеталар, журналлар, фотоальбомлар, бюллетенлар олишади.

“ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ”

ЎТКАЗИШ УСУЛИ. Мунозарали саволларни аналитик-синтетик таҳлил қилиш ва объектив фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун талайгина методика мавжуд. Рўй бераётган воқеликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

- 1.Ўқувчининг ўз фикрини эркин ифодалаши.
- 2.Ўз фикрини ойдинлаштириш.
- 3.Ўқувчиларнинг фикрларини асосланганлигини текшириш.
- 4.Бошқалар фикрини ўрганиш.
- 5.Ўз ҳолатини ва ўзгалар фикрини таҳлил этиш.

Бу ҳақда нафақат ўсмирлар, балки катталар ҳам кўпинча ўйлашмайдилар. Ўқувчи хусусий фикри билан тўғри келмайдиган фикрларни ҳам ўзаро таққослаш, илмий асосланган ҳолатни аниқлаш учун фикрлар қарама-қаршилигини таҳлил этиши керак. Шу мақсад учун қуйидаги саволлар асқотиши мумкин: ўз фикринг ожизлиги нимада? қарши томоннинг далил-исботи нима учун кучли ёки нима учун кучсиз? қандай фикрлар сизнинг мавқеингизни мустаҳкамлайди ёки уни кучсизлантиради?

- 6.Муаммо бўйича ечим қабул қилиш.

Мавзу бўйича маъруза матни ишлаб чиқиш

Мавзу бўйича маъруза матни ўз таркибига қуйидаги масалаларни олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Маҳаллий бюджетларнинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти
2. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари.
3. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини самарали бошқариш.

Таянч сўз ва иборалар:

- **Маҳаллий бюджетлар даромадлари тизими;**
- **Бириктирилган даромадлар;**
- **Маҳаллий бюджетлар ўз даромадлари таркиби;**
- **Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;**
- **Бириктирилган даромадларни ҳисоблаш;**
- **Даромадларни бюджетга ўтказиш;**

- **Даромадлар юзасидан маҳаллий бюджетлар эркинликлари;**
- **Маҳаллий бюджетлар молиявий таъминотида бириктирилган даромадлар.**

Маҳаллий бюджет даромадларини оқилона шакллантириш нуқтаи-назаридан минтақалар бюджети даромадларининг амалиётдаги шакллантириш ҳолатини таҳлил қилар эканмиз қуйидаги бир неча саволларга жавоб беришимиз керак:

Маҳаллий бюджет даромадларини оқилона шакллантириш дейилганда нима тушунилади?

Маҳаллий бюджет даромадларининг оқилона шаклланганлигини қандай аниқлаш мумкин?

Қандай қилиб бюджет даромадларининг оқилона шаклланишига эришиш мумкин?

Бюджет даромадлари оқилона шаклланган ёки шаклланмаган бўлса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин? ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган саволлар шаклан бир-биридан фарқ қилса-да, лекин ўзларининг маъно-мазмуни жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган саволлардир. Шунинг учун уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида жавоб бермасдан, балки шу саволларнинг барчасини қамраб олган шаклдаги жавобни беришга ҳаракат қиламиз.

Юқоридаги саволларга жавоб бера туриб, биринчи навбатда шу нарсани таъкидлаш керакки, бюджет даромадларини оқилона шакллантириш дейилганда шундай тартиб тушуниладики, унга мувофиқ бюджет даромадларининг шаклланиши, бир томондан, бюджет манфаатларига, иккинчи томондан эса солиқ тўловчиларнинг манфаатларига ҳам мос келиши керак.

Иккинчидан, бюджет даромадларининг оқилона шаклланганлиги унга тегишли бўлган даромадларнинг ўз вақтида тушиб туришининг таъминланганлиги билан ҳам белгиланади. Ҳақиқатдан ҳам бюджет даромадлари оқилона шакллантирилган бўлса, бу нарса уларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда бюджетга тушиб туришини таъминлайди. Ва аксинча, бюджет даромадлари оқилона шакллантирилмаган бўлса, бу нарса, ўз навбатида, белгиланган солиқ суммаларининг бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлай олмайди.

Учинчидан, бюджет даромадларининг асосий қисми бир ёки икки солиқ ҳисобидан шаклланган бўлса, амалдаги қоидаларга кўра, уни оқилона тарзда шакллантирилган деб бўлмайди. Чунки қша биргина солиқ бўйича солиқни ундириш режасининг бажарилмаслиги бюджетни даромадлар билан таъминлаш муаммосини анча кескинлаштириб юборади.

Тқртинчидан, бюджет даромадларининг оқилона шаклланганлигини аниқлаш унча мураккаб эмас. Агар, бюджетни даромадлар билан таъминлаш муаммоси, бир томондан, солиқ тўловчиларнинг манфаатларига зид келмаган ҳолда ва иккинчи томондан, бюджетда кўзда тутилган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш имконини берса, бошқа шароитлар тенг бўлган пайтда, бюджетнинг даромадлар билан таъминланиши оқилона тарзда аниқланган дейиш мумкин.

Бешинчидан, бюджет даромадларини оқилона шакллантиришга эришишнинг энг муҳим йўлларида бири уларнинг диверсификацияланганлигидир. Бундан ташқари, бюджетдан қилинадиган харажатларнинг узлуксиз молиялаштирилишини таъминлайдиган тарзда бюджет даромадларининг бюджетга узлуксиз тушиб туришини таъминлаш орқали ҳам бюджет даромадларини оқилона шакллантиришга эришиш мумкин.

Олтинчидан, бюджет даромадлари оқилона шаклланган бўлса, бу нарса оқибат натижада, энг аввало, бюджетга даромадларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлайди. Бир вақтнинг ўзид а, бу нарса бюджетдан қилинадиган харажатларнинг ҳам ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлашга имкон беради.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган бир неча хулосалардан келиб чиқадиган умумий хулоса шундан иборатки, агар бюджет даромадлари оқилона шакллантирилган бўлса, бу нарса, бошқа шароитлар тенг бўлган пайтда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнаши мумкин ва аксинча.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиянинг ролини ошириш учун, бизнинг фикримизча, қуйи бюджетга бериладиган солиқ тушумларида ажратмалар нормативини қатъий белгилаган ҳолда уларнинг узоқ муддатда берилишини таъминлаш зарур. Чунки амалдаги тартибга кўра, умумдават солиқларидан маҳаллий бюджетларга бериладиган ажратмаларнинг нормативи ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тасдиқланган пайтда белгиланади ва бу нормативлар бир йил давомида амал қилади. Кейинги йилларда бу белгиланган нормативларнинг даражаси у ёки бу омилларни инобатга олган ҳолда ўзгариши, яъни ортиши ёки камайиши мумкин.

Албатта, бундай тартибнинг амал қилаётганлиги ўзининг ижобий томонларига эга. Чунки ҳозирги ўзгарувчан давримизнинг ўзи шуни тақозо этиб, умумдават солиқларидан маҳаллий бюджетга бериладиган ажратмаларнинг нормативи ҳар йили янгидан қрнатилмоқда. Бу нарса, нормативларнинг мослашувчанлигини ҳам таъминламоқда.

Шундай бўлишига қарамасдан, мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида кейинги йилларда рқй берган реал ҳолатларни инобатга олган ҳолда умумдават солиқларидан маҳаллий бюджетларга бериладиган ажратмалар нормативларининг қатъийлигини таъминлаш ва уларнинг узоқ вақт давомида давом этишига эришиш тўғрисида ҳам қйлаб кўриш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Жойларда солиқларнинг ундирилувчанлигини таъминлаш, бюджетнинг даромадлар қисмига тегишли бўлган режанинг бажарилиши ва оширилиб бажарилишида маҳаллий ҳокимият органларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида вилоятлар бўйича умумдават солиқларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган тарзда белгилаш тизимидан воз кечган ҳолда барча вилоятлар учун солиқ ажратмаларини тақсимлашнинг ягона тизимини жорий этиш, бизнинг фикримизча, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиянинг ролини оширишга олиб келиши мумкин.

Минтақанинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлашда молиянинг ролини ошириш учун маҳаллий бюджетларнинг даромадлар режасини ҳар чорақликда «корректировка» қилиш амалиётидан воз кечиш лозимдир.

Даромадлар режасининг ҳар чорақда ўзгартирилиш амалиётининг маълум бир сабаблари бўлса-да, шундай бўлишига қарамасдан, унинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Улар, оқибат натижада, бюджет даромадлари режасининг бажарилишида, бу жараёндаги манфаатдорлик тамойилларининг аҳволига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун, бунинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил республикаимизни бош стратегик мақсади сифатида очиқ бозор иқтисодиётига асосланган, эркин фуқоралик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлатни қуриш белгилаб олинган экан, фуқаролик жамияти бу бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичми-босқич топширишни кўзда тутди. Бу эса ўз навбатида маҳаллий ҳокимиятлар молиявий ресурсларини асосий манбаи бўлган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни аҳамиятини ошиб боришини билдиради.

Маҳаллий солиқлар эса солиқ тизимини муҳим таркибий қисми бўлиб улар асосан маҳаллий ҳокимиятларни ихтиёрига қолдириладиган, маҳаллий ҳокимиятларни ваколатига юклатилган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурслар бўлиб хизмат қиладиган мажбурий тўловлар ва йиғимлар йиғиндисидир. Ўзбекистон республикасида амал қиладиган маҳаллий

солиқлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини 7 - моддасида акс эшитириб қўйилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- 5) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- 6) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий ҳукуматлар бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий ҳукуматлар асосан аҳолига яқин бўлганлигидан улар ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Қарийиб аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг 100 фоизга яқини маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилади. Қайд этиш жоизки, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларни талаб этиладиган молиявий ресурсларини асосан 30-40 фоизга яқинини қоплайди. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлар салмоғини 50-60 фоизга етказиш каби ҳукумат қарорлари мавжудки, бу айтиш жамият ва давлат қурилишини эркинлаштириш каби вазифага монандир.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан барқарорлаштириш анча мураккаб вазифадир. Шу мақсадда умумдават бюджетида маҳаллий бюджетларга субвенция жараёни амалга оширилади.

Бундан ташқари маҳаллий солиқлар ҳисобланадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи умумдават миқёсида жорий қилиниб ундирилади ва уларнинг энг юқори ставкасини маҳаллий ҳокимиятларнинг эмас, балки Вазирлар Маҳкамасини ваколатига киритилгандир. Қолган солиқлар ва йиғимларни эса Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Ушбу солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга қўйилиб, уларнинг янги турларининг жорий этилиши Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштириш тарзида амалга оширилиши лозимлиги қонун ҳужжатларида акс эттириб қўйилган.

3.2. Мавзуни ўқитишда талабалар мустақил ишлашлари учун мавзуларни ишлаб чиқиш ва мустақил ишни бажариш тартиби

Мустақил иш фаолиятида эгаллаш билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга оширилади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага эътибор қаратиш керак:

А) мустақил иш - ўқишнинг, ақлий меҳнатнинг алоҳида тури. Б) ахборотнинг асосий шисмини талаба мустақил равишда олади. Айниқса, интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

таълим беришда ўқувчи-талабаларнинг ақлий ривожланганлик даражаси, қобилияти эътиборга олинади;

ўқувчи-талабалар кўпроқ мустақил таълим оладилар таълим жараёнининг объекти ўқитувчи эмас, ўқувчи хисобланади; Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, интерфаол усулларини қўллаш ўқитувчининг ижодкорлик маҳоратини, қолаверса, масъулиятини янада оширади. Бундан келиб чиқадики, янги педагогик технологиянинг мақсади ўқитиш эмас, балки уларни мустақил ўқишга ўргатишдир. Демак таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришда, муҳим омил хисобланади.

Талаба мустақил ишлаш кўникмасини эгалламаса, замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етиша олмайди, чунки талабанинг ўқиш йиллари давомида олган билимларининг кўп қисми у фаолият бошлашга қадар эскиради, кўпгина билимлар эса унутилади. Билимнинг эскириши тез, ахборот оқими нисбатда катта бўлган ҳозирги даврда мустақил ўқишга, ўз устида тинмай ишлаш, изланишга ўрганиш бир мутахассис учун нисбатда зарур.

Таълимнинг рейтинг тизими, айниқса, ўқиш жараёнига кириб келаётган янгиликлар, ахборот хажмининг каггалиги талабалардан мустақил ишлаш ва вақтдан тўғри фойдаланишни, уни тежаш заруриятини келтириб чиқаради.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунёрашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Демак талабаларнинг ўз устларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариши бўш вақтни режалаштириш билан боғлиқ. Бунда дарсдан кейинги вақтни қандай ўтказишни режалаштириш муҳим роль ўйнайди.

Ақлий меҳнат қилиб чарчаганда кишнинг мияси толикади. Унинг психологиясига таъсир кўрсатади. Сурункали руҳан ва ақлан чарчаш жисмоний чарчашга қараганда кўпроқ соғлиққа салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чарчаганда дам олиш керак. Хамма учун дам олиш тартиби бир хил бўлмайди. Бу ўз-ўзидан маълум ҳар бир талабанинг ўзи дам олиш ва ишлаш тартибини белгилайди. Лекин шунга қарамай ҳар бир талаба ёдида тўтиш керак: аудиторияда дарс жадвали бўйича 6 соат ўқигач, маълум вақт мия дам олиши керак. Психология бўйича мутахассис - олимларнинг фикрича камида 3 соат бошқа юмушлар билан шуғулланиши, дам олиши, айниқса очиқ ҳавода сайр қилиши тавсия этилади. Дарс тайёрлаганда мустақил равишда адабиётлар билан ишлаганда ҳар бир ярим соатда 10-15 минут дам олиши, маслаҳат берилади. Энг яхши дам олиш шакллари - бу ҳаракатга И асосланган сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш, уй юмушларини бажаришдир. Хатто радио эшитаётган чоғда ҳам тик туриб ҳаракат қилиш, чуқур нафас олиш, дам олиш пайтида ўрганилаётган предмет ҳақида уйламаслик керак.

Талабанинг соғлом бўлиши, тўғри камол топиши, кўп жидатдан қатъий кун тартибига амал қилиши, гигиена маданиятига боғлиқ, қатъий кун тартибига амал қилиш инсонни ритм билан бир зайлда ишлашга одатлантиради.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бугунлай йўқлиги (вақтида овқатланмаслик етарлича ухлалмаслик дам олмаслик ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги) - бўларнинг ҳаммаси аъзои-баданни бўшаштиради, тананинг бутун хужайраларини, хусусан, бош мия хужайраларини ишлашини ёмонлаштиради.

Кун тартибини режалаштиришда уйғониш вақти, эрталабки гимнастика, аудиторияда ўқиш вақти, кунига 3-4 марта овқатланиш, очиқ ҳавода бўлиш, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмашилишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим бир крлипда бўлмаслиги керак. Талаба кундалик фаолиятини режалаштирар экан, албатта мустақил ишлашни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Талабалар мустақил ишларининг самарадорлиги вақт бюджетидан оқилона фойдаланишига боғлиқ. Бунда талабалар вақтдан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиши, улардан келиб чиқиб, вақтини тақсимлаши зарур.

Талаба - ёшларнинг мустақил мутолаа қилишлари учун замонавий кутубхона, ўқув заллари, компьютер марказлари, халқаро илмий ахборот марказлари бўлиши катта аҳамиятга эга.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш, «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби

тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2005 йил 21 -февралдаги 34-сонли буйруга билан тасдиқланган «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги» Низомга асосан ишлаб чиқилган ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг таркибий қисми бўлиб, у услубий ва ахборот ресурслари жихатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган

Талаба мустақил ишлаш кўникмасини эгалламаса, замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етиша олмайди, чунки талабанинг ўқиш йиллари давомида олган билимларининг кўп қисми у фаолият бошлашга қадар эскиради, кўпгина билимлар эса унутилади. Билимнинг эскириши тез, ахборот оқими нихоятда катта бўлган ҳозирги даврда мустақил ўқишга, ўз устида тинмай ишлаш, изланишга ўрганиш бир мутахассис учун нихоятда зарур.

Таълимнинг рейтинг тизими, айниқса, ўқиш жараёнига кириб келаётган янгиликлар, ахборот ҳажмининг каггалиги талабалардан мустақил ишлаш ва вақтдан тўғри фойдаланишни, уни тежаш заруриятини келтириб чиқаради.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунёрашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Демак

талабаларнинг ўз устларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса

Иқтисодий моҳиятга кўра маҳаллий бюджетлар - бу ҳудудларда ҳалқ хўжалигини, ижтимоий-маданий тадбирларни, давлат бошқарувини молиялаштиришга қаратилган бюджет жамғармасини ташкил этиш ва ишлатиш муносабати билан миллий даромадни қайта тақсимлаш бўйича давлатнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан вужудга келадиган пул муносабатларидир. Маҳаллий бюджет сабабли ҳудудларда молиявий ресурсларни иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи жабҳаларига жалб қилиш имконига эга бўлинади.

Маҳаллий бюджетлар бевосита молия тизими бўғимлари билан ўзаро муносабатда бўладилар. Жумладан, ҳукумат томонидан чиқариладиган қонунлар, қарорлар асосида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми корхона, ташкилотлар, муассасалар, жамоат ташкилотлари жисмоний шахслар даромадидан солиқ олиш йўли тўлдириб борилади. Бунда бевосита солиқ ҳизмати органлари, банк муассасалари фаол иштирок этадилар. Бундан ташқари маҳаллий бюджетлар бюджет муассасалари ва хўжалик юритувчи субъектларга маблағ юбориш билан улар фаолиятини ташкил этиш ва даромадини оширишда бевосита иштирок этадилар.

Маҳаллий бюджетлар ёрдамида ҳудудлардаги ижтимоий даромадлар, ЯИМ корхона ва ташкилотлар даромадига солиқ ва тушумлар солиш йўли билан тақсимланади ва уларнинг маълум қисми маҳаллий бюджетлар ихтиёрида жамланади. Жамланган маблағлар амалдаги ҳукумат ўз сиёсатини амалга ошириши учун маҳаллий бюджетлар томонидан ҳудудларни ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришга сарфланади. Ёки ЯИМ шу йўл билан қайта тақсимланади.

Давлатнинг маҳаллий бюджетларни бошқаришдаги мувофиқликни таъминлаш зарурлигини ўрганишда маҳаллий иқтисодий сиёсатни фаол амалга ошириш учун етарли ҳажмда маблағларни жамлаш имконини берувчи маҳаллий бюджет звеноларини ислоҳ қилишга концептуал ёндашувлар муҳим масаладир. Бу масалани ҳал қилиш учун қуйидагиларни ўрганиш ва муҳим ҳулосаларни чиқариш лозим.

1. Янги бюджет қурилиши шароитларида маҳаллий иқтисодий сиёсатнинг солиқ-бюджет воситаларини шакллантириш асосларини ва маҳаллий даражадаги бюджет тафоввутларини текислашнинг жаҳон амалиёти таҳлилини ўрганиш.

2. Миллий ва ҳорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилган бюджет назарияларининг услубий асосларини ўрганиш тадқиқ қилинадиган услублар сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди:

– бюджет жараёнларини ташкил этиш муаммоларини ўрганишга тизимли ёндошув;

– бюджет-солиқ сиёсати орқали тартиблашни ташкил этиш соҳасидаги назарий, услубий ва амалий ишланмаларни илмий таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш.

Бозор муносабатларини ўрганиш ва бюджет тизимини ислоҳ қилиш шароитида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида маҳаллий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бюджетлараро муносабатларни шакллантириш ва солиқ тизими трансформациясига принципиал янги фундаментал ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Ҳар қандай жамият тизимида ҳам жамият ривожланишини тартиблашнинг ўхшаш масалалари, аммо турли усуллари учраб туради. Мустақилликка қадар иқтисодиётда бунинг учун тўғридан-тўғри директив бошқарув усулларидан фойдаланилган. Ҳозирги кунда мамлакатнинг мустақил давлат қуриш амалиётига ўтиш орқали бошқарувнинг икки босқичли марказлашмаган тизими шакллантирилмоқда. Ваколатларни «марказ» ва маҳаллий бошқарув органлари орасида қайта тақсимлаш юз бермоқда, яъни бу билан республика ва маҳаллий ҳудуд ташкилотларининг барча даражаларида бу тақсимлашни амалга оширишга мос воситалар шакллантиришга иқтисодий сиёсат буйсундирилган.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси ҳудудларда яратилаётган миллий даромад, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, даромадларнинг доимий ва бир маромда тушумини маҳаллий ҳокимият даромадлари ошишидан манфаатдорлиги билан бевосита боғлиқдир. Биринчидан, маҳаллий бюджетдан даромадларни оширишнинг ички резервлари, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, жойларда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни, турли мулкчилик шакллари юзага келтиришда ва мулкчилик шакллари ўртасида рақобатни яратишда, уларни эркин ривожлантиришга эришишда муҳим роль эгаллайди. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бевосита иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар билан боғлиқдир.

Иккинчидан, тузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим устувор йуналиши қишлоқ хўжалигидан ва умуман агросаноат мажмуида чуқур прогрессив силжишга эришишдир. Бу силжишлар озиқ – овқат муаммосини тубдан ҳал этишга, қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқнинг ишлаб чиқариш

ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим.

Маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқларининг бажарилиши бевосита унинг даромадлари билан боғлиқ экан, даромадлар манбалари ва унинг ташкил топишини тадқиқ этиш жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

Маҳаллий бюджет даромадлари ҳажми ва таркиби маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқ ва йиғимларни йиғиб олиш имконияти, ҳамда юқори давлат органларининг ҳудудларга молиявий ёрдам бера олиш имконияти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат томонидан олиб борилаётган молия – бюджет сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Таҳлиллар, прогнозли кўрсаткичларни ҳисоблаш, диаграммаларни, персонал компьютерда электрон жадвалларда Excel дастури билан ишлаш орқали ёрқин намоён этилиши мумкин.

Шу билан бирга, талабалар “Право” ва “Норма” тизимлари орқали молиявий қонунчилик янгиликларидан хабардор бўлишлари ва ўқиш жараёнида улардан фойдаланишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Президент И. А. Каримов асарлари

1. 2014 йил мамлакатни юқори суръатларда ривожлантириш, барча имкониятларни сафаръар этиш, ислохотларнинг ўзини оқлаган стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Президент Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг асосий якунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 39 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 1997 йил 29 август.

3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Халқ сўзи, 1998 йил 3 январь.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. -Т.: Адолат, 2008.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси»ги 2013 йил 14 декабрь қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида»ги 1999 йил 26 июнь Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. -Т.: Адолат, 2000.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 декабрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами, №12, 2000.

8. Давлат молияси тизими. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 368 бет.

III. Махсус адабиётлар

1. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. – М.: ЮНИТИ, 2004.
2. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы. – М.: ФБК-пресс, 2005.
3. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Финансы, денежное обращение, кредит. – М.: ЮНИТИ, 2005. 687 с.
4. Бобожонов А. Солиқ муносабатларида ҳуқуқий маданият. Солиқ тўловчининг журнали, 2004. №6. 17-бет.
5. Брайчева Т.В. Государственные финансы. Санкт Петербург.: Питер, 2005. 278 с.
6. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник под ред. М.В.Романовскова. – М.: Юрайт, 2005. 615 с.
7. Гаврилова И.Н. О применении санкций за нарушения налогового законодательства. Налоговый вестник, 2004. №6, с. 46-49.
8. Голицкая С.Б. Деньги кредит финансы. – М.: Экзамен, 2002. 221 с.
9. Головачев Д.Л. Государственные долг: теория Российская и мировая практика. – М.: Дело, 2005.
10. Гришкова Л., Аношкина В. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими: шаклланиш босқичлари. //Бозор, пул ва кредит, 2004, №1. 23-бет.
11. Девере М.П. Экономика налоговой политики. -М.: Филинь, 2002.
12. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. –М.: Московский Центр Карнеги, 2005. 158 с.
13. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – М.: Дело, 2004. 264 с.
14. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. История развития и современной состояние межбюджетных отношений в России. Уфа.: ГП «Принт», 2004. 181 с.
15. Землин А.И. Бюджетное право: схемы и комментарии. – М.: Юриспруденция, 2004. 240 с.
16. Иванова Н.Г. Казначейская система исполнения бюджетов. Санкт Петербург.: Питер, 2004. 200 с.
17. Ёқуббоев О. Солиқ механизми ва солиқ оғирлиги. Солиқ тўловчининг журнали. 1999, №9, 18-бет.
18. Йўлдошев Н., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. - Т.: Меҳнат, 1999.
19. Йўлдошев Н., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2000. 212 б.
20. Карасева М.В., Крохина Ю.А. Финансовое право. -М.: НОРМА, 2005.
21. Маликов Т.С. Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати. Жамият ва бошқарув, 2001. №2, 6-бет.
22. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Адлия, 2002. 204 б.
23. Наговицин А.Г. Бюджетная политика. – М.: Инфра – М, 2005. 124 с.
24. Намозов Р. Хазиначилик тизими роли тўғрисида. Бозор, пул ва кредит, 2001, №3-4.
25. Налоги и налоговой право. Учебное пособие. Под ред. А.В. Брўзгалина. - М.: Аналитика-Пресс, 2005 г., 608 б.

26. ОрѢшин В.П. Государственное регулирование национальной экономики. – М.: Инфра – М, 2005. 56 с.
27. ОсновѢ налогового законодательства. - Т.: Мир экономики и права, 2006.
28. Поляк Г.Б. ФинансовѢй обеспечение социальной сфере. -М: Финансы и статистика, 2005.
29. Поляк Г.Б. Финансы местных советов. - М: Финансы и статистика, 1998. 2005. 1999. 539 с.
30. Раҳматуллаев Б. Бюджет - давлат иқтисодий кудрати асоси. Бозор, пул ва кредит, 2005, №7, 9 бет.
31. Раҳимова А., Ҳожиєв Э. Ўзбекистон Республикасининг Молия ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2002. 406 бет.
32. Самсонов Н.Ф., Баранников Н.П. Строкова И.И. Финансы на макроуровне. – М.: Высшая школа, 2004.
33. Солиқ қонунчилиги асослари. Ққув ққланма. Тузувчилар: Д.И. Шаулов, У.Т. Кан|. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000 й., 592 б.
34. Срожиддинова З.Х., Шарифходжаєв М.Ш., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Ўзбекистан. Учебное пособие. - Т.: ТФИ, 2001. 86 стр.
35. Срожиддинова З.Х., Абдуллаєв А., Усипбаєв Н.И. ГосударственнѢе финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. -Т.: ТФИ, 2001. 85 с.
36. Срожиддинова З.Х., Вахобов А.В, Сидиков Ж.Р. ГосударственнѢй бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. -Т.: ТФИ, 2001. 107 с.
37. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 128 бет.
38. Тренєв Н.Н. Управление финансами. – М.: Финансы и статистика, 2005.
39. Финансовая политика, налоги и налогообсожение. Справочное пособие| ред. совет: Бєганов В.С., Куролов М.Я., Шаулов Д.И., Кан У.Т. |- Т.: Мир экономики и права, 1998 г., 209 б.
40. Финансы, денежное обращение, кредит. Под ред. Л. А. Дробозиной, М.: ЮНИТИ, 2005 г.
41. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ 2001 й., 432 б.
42. Черник Д.Г. Налоги. – М.: Финансы и статистика, 2005. 656 с.
43. Яхёєв Қ.А. Ўзбекистонда солиқ тизими. - Т.: Мєхнат, 1998 й., 376.
44. Яхёєв Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. - Т.: /./улом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 168 б.
45. Яхёєв Қ.А. Ўзбекистон солиқлари тўғрисида асосий тушунчалар. - Т.: Огоҳ, ГТШК, 2001 й., 56 б.
46. Levine R., Zervos S. Stock Markets, Banks and Economic Growth. Chicago University of Chicago Press, pp. 307.
47. Pagano M Financial Markets and Economic Review. 2005. pp 912.
48. Sigh A. Financial liberalization. Economic journal 2004. pp 771.
49. Steinbery A. An innovatori package for financial sector reforms. Journal of Banking and finance, 2005.
50. Szepo G. Financial regulation and multitier Financial intermediation system in Eastern Europe. Introduction journal of Banking and finance 2004. pp 410.